

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ
МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“ ФАРМАЦИЯ”



ТОШКЕНТ 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“Фармация” йўналиши

**“ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ ИНТЕНСИВ ИСЛОҲОТЛАР
ВА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: “DIAR PROFIT” Ўқув – консалтинг маркази директори, фарм.ф.н., доцент Д.Т.Саипова,

Такризчилар: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тароғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази директори, фарм.ф.д., профессор А.Ф. Дусматов
Тошкент фармацевтика институти Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси доценти, фарм.ф.н. Султонова Г.А.

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2020 йил 25-декабрдаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	19
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	67
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	103
VI. ГЛОССАРИЙ.....	108
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	110

I ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни жорий этиш жараёни бошланди.

Республикамизда жадаллик билан амалга оширилган ислохотлар, фармацевтика тизимининг ташкилий тузилмасидаги ўзгаришлар бўйича долзарб назарий маълумотлар бериш ва тизимли таҳлил кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган “Фармацевтика тармоғидаги интенсив ислохотлар ва тизимли таҳлил” модули фармацевтик кадрларни тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг малака ошириш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Шуларни ҳисобга олиб ушбу дастур тузилди ва унга асосан назарий, амалий, ҳамда тарқатма материаллар, ўқув-услубий мажмуа тайёрланди. Тошкент Тиббиёт Академияси қошидаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида Фармация йўналишидаги профессор-ўқитувчилари учун асосий модуль сифатида ўқитилмоқда. Бундан ташқари ушбу қўлланма катта илмий ходим изланувчилар ва мустақил изланувчилар, магистратура талабалари, клиник ординаторлар, амалиётда фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш тизими менежерлари ва шифокорлар томонидан кенг қўлланилиши тавсия этилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Фармацевтика тармоғидаги интенсив ислохотлар ва тизимли таҳлил”
модулининг мақсади:

педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талабалари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлаш, тингловчиларда фармацевтика тармоғидаги интенсив ислохотлар шароитида унинг тизимли

таҳлили асосида самарали бошқарув жараёнини ташкил этиш учун назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

“Фармацевтика тармоғидаги интенсив ислохотлар ва тизимли таҳлил” модулининг вазифалари:

- фармацевтика фанларини ўқитишда педагогик фаолият ва олий таълимда ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш;
- тингловчиларнинг фармацевтика тизимининг тизимли таҳлили бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фармацевтика тизимидаги муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- фармацевтика фаолиятини ташкил қилиш асосларини;
- фармацевтика тизимининг бошқаруви тузилмасини;
- дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш қўйи тизимини;
- фармацевтик ташкилотлар фаолиятининг тизимли таҳлили ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- компьютер технологиялари асосида бошқарувнинг самарали тизимини, функцияларини ташкил этиш;
- фармацевтика соҳасида бошқарув жараёни босқичларини ташкиллаштириш;
- тизимли таҳлил ўтказиш асосида бошқарувнинг самарали тизимини ташкил этиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- биоэквивалентликни аниқлаш усуллари ва меъёрий ҳужжатларни қўллаш олиш;
- тиббиётда нанотехнологиялар асосида олинган дори воситаларини қўллаш бўйича;
- таъсири модификацияланган ва йўналтирилган дори воситаларнинг замонавий фармакотерапияда қўллаш бўйича керакли тавсияларни бериш;

- педиатрик ва гериатрик дориларни таркиб ва мўътадил технологиясини асослаш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнининг элементларини оптималлаштириш;
- фармацевтика соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ташкил этиш шакллари: диалог, мунозара, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган коллектив ва кичик гуруҳлар усулларида ўтказиладиган маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш даврида педагогик жараёни жадаллаштириш мақсадида замонавий педагогик технологиялар, ахборот воситалари, компьютер, интернет тизимидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Ўқув жараёни муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш асосида олиб борилади.

Модулни ўтказиш бўйича қуйидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади: шахсга йўналтирилган таълим, тизимли ёндошув, фаолиятга йўналтирилган ёндошув, диалогик ёндошув, ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш, муаммоли таълим, компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш, ўқитиш усуллари ва техникаси (маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар).

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг

биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулоти, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: амалий машғулотларда ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Фармацевтик таълим тизимида инновацион ресурслар”, “Фармацевтика ривожланишининг устувор йўналишлари ва инновациялар” ва бошқа ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси				
			жами	жумладан			
				назарий	амалий машғулот	кўчма машғулот	
1.	Тизимли таҳлил ва унинг қўлланилиши	5	5	2	3	-	
2	Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти, фармацевтика тармоғининг ташкилий тузилиши	10	10	4	6		
3	Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг назорат	14	14	4	6	4	

	рухсатнома тизимидаги ислохотлар						
4	Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ривожланиш истиқболлари	5	5	2	3		
	Жами:	34	34	12	18	4	-

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Тизимли таҳлил ва унинг қўлланилиши.

Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари. Тизимларни таснифлаш. Мураккаб ва оддий тизимлар. Сунъий ва табиий тизимлар. Тизимларни ташкил этувчи таркибий қисмлари

2-3 мавзу: Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти, фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши.

Фармацевтика фаолияти ва уни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиниши. Фармацевтика фаолиятининг турлари. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаштириш асослари. Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш асослари.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши. Фармацевтика тизимининг таркибий элементлари ва қуйи тизимлари. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш қуйи тизими, улгуржи (дистрибьюция) ва чакана савдо (дорихоналар) қуйи тизими. Фармацевтика бозорининг госпитал сектори.

4-5-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг назорат рухсатнома тизимидаги ислохотлар

Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қуйи тизими. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги. Дори воситалари ва тиббий буюмлар экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази. Фармакология Қўмитаси. Фармакопея Қўмитаси. Гиёҳвандлик воситалари назорати Қўмитаси. Янги тиббий техника Қўмитаси. ДВТБЭС Давлат Марказининг ташкилий бўлинмалари. Фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси.

6-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ривожланиши ва халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида GxP тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлар. GxP яхши амалиётлар туркуми. Дори воситаларининг сифатини таъминлашда GxP яхши амалиётлар туркумининг аҳамияти ва моҳияти. Соғлиқни сақлаш тизимида фаолияти дори воситалари таъминоти тартибга солишга ва сифатини таъминлашга қаратилган халқаро ташкилотлар. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғининг халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Тизимли таҳлил ва унинг қўлланилиши.

Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари. Тизимларни таснифлаш. Мураккаб ва оддий тизимлар. Сунъий ва табиий тизимлар. Тизимларни ташкил этувчи таркибий қисмлари

2-3 амалий машғулот:

Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти, фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши.

Фармацевтика фаолияти ва уни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиниши. Фармацевтика фаолиятининг турлари. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаштириш асослари. Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш асослари.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши. Фармацевтика тизимининг таркибий элементлари ва қуйи тизимлари. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш қуйи тизими, улгуржи (дистрибуция) ва чакана савдо (дорихоналар) қуйи тизими. Фармацевтика бозорининг госпитал сектори.

4-5 амалий машғулот:

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг назорат рухсатнома тизимидаги ислохотлар.

Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қуйи тизими. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги. Дори воситалари ва тиббий буюмлар экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази. Фармакология Қумитаси. Фармакопея Қумитаси. Гиёхвандлик воситалари назорати Қўмитаси. Янги тиббий техника Қўмитаси. ДВТБЭС Давлат Марказининг ташкилий бўлинмалари. Фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси.

6 - амалий машғулот:

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ривожланиши ва халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси

ГхР яхши амалиётлар туркуми. Дори воситаларининг сифатини таъминлашда ГхР яхши амалиётлар туркумининг аҳамияти ва моҳияти. Соғлиқни сақлаш тизимида фаолияти дори воситалари таъминоти тартибга солишга ва сифатини таъминлаш қаратилган халқаро ташкилотлар. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғининг халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг назорат рухсатнома тизимидаги ислохотлар.

Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қуйи тизими. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги. Дори воситалари ва тиббий буюмлар экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази. Фармакология Қумитаси. Фармакопея Қумитаси. Гиёхвандлик воситалари назорати Қўмитаси. Янги тиббий техника Қўмитаси. ДВТБЭС Давлат Марказининг ташкилий бўлинмалари. Фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

Маърузалар илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда савол-жавоб тарзида, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш асосида олиб борилади.

Мазкур модул бўйича амалий машғулотлар илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш, замонавий фармация фанлари муаммоларига доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш билан тизимли, фаолиятга йўналтирилган ва диалогик ёндошув, ҳамкорликда, кейс-стади ва муаммоли таълим асосида олиб борилади.

Шунингдек, амалий машғулотлар ўрганилаётган муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш мақсадида давра суҳбатлари, муаммолар ечими бўйича далиллар ва маълумотларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш учун баҳс ва мунозаралар, блиц-сўровлар ёрдамида амалга оширилади.

*Ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шакллари*дан: бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;
- амалий машғулотларда гуруҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

II МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Таълим технологияси аниқ педагогик ғоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қуйидагилар ташкил этади: муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча ҳорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиладиган жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига эътиборида ҳисобланади.

Замонавий таълим технологиясининг асослари

Интерфаол таълим (Interactive) - суҳбатли. **Интерфаол** таълим бериш - суҳбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим воситаларининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Далилларга асосланган тиббиёт модулини ўқитишда қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Муаммоли вазиятлар усули

Муаммоли вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган. Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ✓ Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ✓ Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- ✓ Тарбияловчи – фикр алмашилиш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қилади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ❖ номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- ❖ номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (янги билимларни шаклланишига олиб келади).
- Номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан

номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма ахборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоюдага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	➤ Таълим берувчи мавзу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	➤ Тингловчилар гуруҳларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	➤ Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гуруҳларда муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	➤ Натижаларни маълум қилади, бошқа гуруҳ вариантларини муҳокама қиладилар

4 - босқич Умумлаштириш, яқун ясаш	➤ Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўллари санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади
--	---

“Кейс-стади” усули

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadu» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ яқка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ яқка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- фармацевтика корхонасини ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

Лойиҳалар усули

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим оловчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар. Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

Лойиҳа усулининг амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	➤ Ўқитувчи лойиҳа мавзулари ва мақсадини аниқлайди. Таълим оловчиларни лойиҳалаш ёндашуви моҳияти билан таништиради. Бир қанча мавзулар таклиф этади, лойиҳа мазмуни тўғрисида маълумот беради, улар доирасини шакллантиради, иш турлари, уларнинг натижалари ва баҳолаш мезонларини санаб ўтади.
1 - босқич Режалаштириш	➤ Ўқитувчи ғояларни таклиф этади, таклифларни айтади. ➤ Ахборот манбаи ва унинг йиғиш усуллари ва таҳлилини тавсия этади. ➤ Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умуман жараёни белгилайди.
2 - босқич Тадқиқ қилиш	➤ Тингловчилар тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар.
3 - босқич Ахборот таҳлили. Хулосаларни шакллантириш.	➤ Тингловчилар олинган ахборотни таҳлил қиладилар, хулосаларни шакллантирадилар
4 - босқич Тақдимот босқичи	➤ Тингловчилар олинган натижалар бўйича тақдимотга тайёрланадилар. Иш натижаларини намоиш тадилар.

5 - босқич Жараён ва натижаларни баҳолаш.	➤ Тингловчилар жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини ҳимоя қиладилар, ўқитувчи уларни баҳолайди
--	--

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр:Тизим кириш ва чиқиш йўлларига эга бўлса, яъни тизимларни маълум вақтда модда, энергия, ахборот киргизиш ва чиқариш имконитлари мавжуд бўлса, бу тизимга таркибий объект сифатида қаралади ва бу тизимга динамик тизим деб қаралади.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Намуна: “Фармэкс”.фармацевтика корхонасининг SWOT таҳлили

S	Фаолиятининг кўп тармоқлилиги
W	Ассортимент сиёсатининг сустлиги
O	Аҳоли ўртасидаги мавқеининг юқорилиги
T	Рақобатчилари сонининг ошиши

III НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Тизимли таҳлил ва унинг қўлланилиши (2с)

Режа:

1. Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари.
2. Мураккаб ва оддий тизимлар.
3. Тизимларни таснифлаш.
4. Сунъий ва табиий тизимлар.
5. Ташкилотни бошқариш тузилмаси

Таянч иборалар: *тизим, тизим элементи, қуйи тизим, табиий тизим, сунъий тизим, ички мухит, тшқи мухит, мураккаб тизим, оддий тизим.*

1.1. Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари.

Тизим - бу ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатда бўлган элементларни шундай йиғиндисики, унда улар ўртасидаги ички алоқалар қуввати ташқи алоқалар қувватидан катта ва хусусиятидан фарқли янги мужассамланган хусусиятга эга бўлган, маълум мақсадга йўналтирилган мажмуадир.

Элемент тизимнинг узвий қисми бўлиб, у ташқи хусусиятлари нуқтаи назаридан бўлинмайдиган мустақил объект деб тушунилади.

Тизимлар муайян қонуниятларга эга:

1. Яхлитлик. Агар тизимнинг айрим қисмида муайян ўзгариш юз берса ва бу ўзгариш бутун тизимга таъсир қилса, у ҳолда тизим ўзини яхлит бирикма каби тутмоқда деган тўхтамга келинади. Мисол тариқасида АҚШда юз берган молиявий-иқтисодий инқирозни келтириш мумкин. Хусусан, биргина Америкада юз берган иқтисодий инқироз бутун жаҳон иқтисодиёти барқарорлигига катта салбий таъсир кўрсатди.

2. Яккалик. Яхлитликдан фарқли равишда яккаликда тизимнинг маълум қисмида юз берган муайян ўзгариш бутун тизимга кутилган даражада таъсир қилмайди. Масалан, автомобиль тизим сифатида кўрилса ва унинг бир элементи асосий мақсадини бажаришга сезиларли таъсир кўрсатмаса, у ҳолда сўз яккалик тўғрисида кетади. Автомобилнинг (ҳар қандай тизимни ҳам) бу каби деталларини сиз ўзингиз автомобилга (ҳар қандай тизимга ҳам) нисбатан белгилаган бош мақсадга қараб аниқлашингиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, агар тизимнинг фаолият жараёнида яхлитликдан яккаликка кетма-кет ўтиши кузатилса, бундай ҳолларда тизим прогрессив тарзда ажралиб қолишга таъсирчан деб топилади.

3. Коммуникативлик. Тизимларнинг асосий қисми алоҳида эмас, балки ташқи дунё билан кўплаб коммуникациялар ёрдамида боғланган ҳолда мавжуд. Шунинг учун ҳам бу коммуникативлик деб номланади. Ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти бўлиш учун халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан алоқада бўлиши шарт ва ушбу алоқалар коммуникация воситалари (темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари, электр тармоқлари, газ қувурлари ва ҳ.к.) орқали амалга оширилади.

4. Иерархиялик. Иерархияликда бошланғич тизим декомпозициясининг кетма-кетлиги қатор босқичларга, яъни қуйи босқичнинг юқорисига тобелигини белгилаш тушунилади.

Тизимнинг қўшимча хусусиятлари:

1. Бутунлик - бирон нарса алоҳида бир бутун бўлмоғи учун биринчидан унинг узвий қисмлари орасидаги алоқалари шу қисмлар кўриляётган бутунликка тегишли бўлмаган бошқа бўлимлар билан алоқаларидан кучлироқ бўлмоғи лозим. Иккинчидан эса кўриляётган бутунликни ҳар бир бўлимдаги элементлар ўртасидаги алоқалар бўлимлараро алоқлардан кучлироқ бўлиши лозим. Бутунликнинг бу хусусияти уни бўлимларга бўлиш, ажратиш имконини беради.

2. Ташқи муҳит билан боғланишлик. Агар саноат корхонасини тизим деб олсак, у учун ташқи муҳит сифатида хом ашё, эҳтиёт қисмлар, энергия таъминловчилар, корхонанинг махсулотларини истеъмолчилари бўлади. Агар корхона ишларига об- ҳаво таъсир этадиган бўлса, унда корхона учун ташқи муҳит об - ҳаво бўлади. Ёки тескари ҳол, яъни корхона ўз фаолияти билан табиатга таъсир кўрсатса, (масалан, анхор, кўл, хавони ифлослантирса) унда табиат тизими учун корхона ташқи муҳит сифатида кўрилади.

Тизимни таҳлил қилиш жараёнида уни бир неча таркибий қисмларга, яъни қуйи тизимларга бўлиш мумкин.

Қуйи тизим - бу тизимдан маълум қоидага биноан ажратилган, табиати ихтиёрий, ўзаро боғланган элементларни бир қисм тўпламидир.

Демак, ҳар қандай тизим қуйи тизимдан иборат бўлиб, уларни ҳар бирини мустақил тизим деб қараш мумкин.

Агар тизим кириш ва чиқиш йўлларига эга бўлса, яъни тизимларни маълум вақтда модда, энергия, ахборот кирғизиш ва чиқариш имконитлари мавжуд бўлса, бу тизимга таркибий объект сифатида қаралади ва бу тизимга динамик тизим деб қаралади.

1.2. Мураккаб ва оддий тизимлар

Тизимларни мураккаб ва содда тизимларга бўлиш мумкин:


- тизимнинг кўп ўлчовлилиги (ўзгарувчилар сонининг кўплиги);
- тизим элементларини ўзаро боғланиши кўплиги (бир хил ёки бир хил сатҳдаги элементларда ўзаро боғланиш);
- элементларнинг табиати хилма - хиллиги;
- илмий нуқтаи назаридан кўп боғланишлиги (тизимни турли даражада тасвирлаш зарурлиги);
- тизим тузилишини, уни ташкил қилиш усулларини, элементлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни шакллариининг хилма- хиллиги.
- тизим таркиби ва хосиятлари ўзгаришининг кўплиги (тизимнинг тузилиши, таркиби ва алоқаларнинг ўзгарувчанлиги);
- кўп мезонлик (қўйи тизимлар учун маҳаллий мезонлар ва бутун тизим учун умумий мезон, уларнинг ўзаро зиддиятлари).

1.3. Тизимларни таснифлаш.

Тизимларни таснифлаш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, қуйида мана шу омилларга кўра тизим қандай таснифланишини кўриб ўтамиз. Ҳар бир омилга алоҳида аҳамият бериб назар солсангиз, қайси тизимни ўрганаётганимиз ва унга боғлиқ бўлган омилларни дарҳол ажратишингиз мумкин.



Демак, тизимлар сунъий ва табиий тизимларга бўлинади.



1.4. Сунъий ва табиий тизимлар.

Табиатан мавжуд бўлган тизимлар **табиий тизим** деб аталади.


Сунъий тизим- Инсон иштирокида ташкил этилган тизимлар сунъий тизимлар тизимлар деб аталади

Сунъий тизим деб - инсон иштирокида ташкил этилган тизимга айтилади. Сунъий тизимни таҳлил қилиш тизимни ташкил этувчи барча компонентларини таҳлил қилишдан бошланади, яъни тизим қандай компонентлардан ташкил топган, унинг ички ва ташқи алоқалари қайсилар, бу тизим қайси мақсадга йўналтирилган, қаерда, қандай, нима учун фойдаланилади.

Табиий тизимларга қуйидагиларни мисол қилиб келтирсак бўлади.



Сунъий тизимларга эса қуйидагиларни мисол қилиб тушунтириш мумкин.



Ёпиқ ва очик тизимлар

Ёпиқ тизим қаттиқ мустаҳкамлаб қўйилган чегараларга эга. Унинг ҳаракатлари тизимни ўраб турган муҳитдан нисбатан мустақил. Соат ёпиқ тизимга мисол бўла олади. Соатда унинг ўзаро боғлиқ қисмлари энергия манбаига уланиши биланоқ тўхтовсиз ва аниқ ҳаракат қилишни бошлайди. Соатда тўпланган энергия манбаи мавжуд экан унинг тизими атроф-муҳитдан мустақилдир.

Очик тизим ташқи олам билан ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади. Энергия, ахборот, материаллар – бу тизимнинг харир чегараси орқали ташқи дунё билан алоқа қилиш объектларидир. Бундай тизим ўзини-ўзи таъминлай олмайди. У ташқаридан бўлган энергия, ахборот ва материалларга муҳтож. Бундан ташқари, очик тизим ташқи оламда юз бераётган ўзгаришларга мослашиш қобилиятига эга, акс ҳолда у ўз фаолиятини давом эттира олмайди. Масалан сиёсий ҳукумат тизим сифатида ҳозирги замонда очик бўлиши шарт.

1.5. Ташкилотни бошқариш тузилмаси

Ахборот тизимини яратиш, ташкилотнинг бошқарув тузилмасини таҳлил қилишдан бошланади

Бошқариш деганда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш функцияси билан, қўйилган мақсадга эришиш тушунилади:

Ташкиллаштириш – норматив ҳужжатлар комплекси ва ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш; штат жадвали, бўлимлар, лабораториялар ва ҳ.к.

Ҳисобга олиш – бу функция фирма ёки ташкилот кўрсаткичларининг метод ва формаларини ишлаб чиқади. Масалан; бухгалтерия ҳисоботи, молиявий ҳисоб-китоб, бошқарув ҳисоботи ва бошқалар.

Таҳлил (анализ) – режалаштирилган вазифаларни қай даражада бажарилганлигини аниқлайди

Ҳар қандай ташкилотнинг бошқарув тузилмаси учта поғонага ажратилади



Расм Ташкилотни бошқариш тузилмаси умумий кўриниши

Назорат саволлари

1. Тизим атамасига таъриф беринг.
2. Тизим элементларига нима киради?
3. Тизим элементларининг ўзаро алоқалари қандай шаклланади?
4. Тизимлар қандай таснифланади?
5. Мураккаб ва оддий тизимларни таърифланг.
6. Сунъий ва табиий тизимларни таърифланг.
7. Тизимларни ташкил этувчи қисмларга тушунча беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
2. Harry J. Rosenblatt. Systems Analysis and Design, 10th Edition. - ISBN-13: 9781285171340 .- 2014. – P.760.

3. Imboden D.M., Pfenninger S., Stürchler N. Introduction to systems analysis : mathematically modeling natural systems // Berlin ; New York : Springer, 2015.
4. Valacich J. Essentials of System Analysis and Design, 4th Edition // Joey George, Iowa State University.- 2009.- P.464.
5. Атаджанова М.П. "Тизимли тахлил асослари" 2014.
6. Каримова В. Зайнутдинова М. Назирова Э. Садиқова Ш. Тизимли тахлил асослари // Тошкент ахборот технологиялари университети, 2014.- 180б.

2-3 мавзу: Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти, фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши (4с)

Режа:

1. Фармацевтика фаолияти ва уни амалга оширишнинг қонуний асослари
2. Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари.
3. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш асослари.
4. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқариш
5. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши.
6. Фармацевтика тизимининг таркибий элементлари ва қуйи тизимлари.
7. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш қуйи тизими, улгуржи (дистрибуция) ва чакана савдо (дорихоналар) қуйи тизими. Фармацевтика бозорининг госпитал сектори.

Таянч иборалар: *фармацевтика фаолияти, фармацевтика тизими, фармацевтик ишлаб чиқариш, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, дистрибуция, дорихоналар.*

2.1. Фармацевтика фаолияти ва уни амалга оширишнинг қонуний асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги» қонунида берилган таърифга асосан **Фармацевтик фаолият** — дори воситалари ва тиббий буюмлар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни реализация қилишни қамраб оладиган фаолият.

2.2. Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;
2. дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш;
3. дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш;
4. дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;
5. дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш;
6. дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш;
7. доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш.

2.3. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш асослари

Фармацевтика фаолияти белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Республикада фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикасининг “Алохида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуни ҳамда бир қатор ҳукумат қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига мувофиқ амалга оширилади. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 й. 12 майда қабул қилинган “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 284-сон қарорида батафсил келтирилган бўлиб, ушбу қарор кўрсатмаларига биноан амалга оширилади.

Бу ҳужжат иловаларида қуйидаги низомлар келтирилган:

- Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ
- Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисида низом фармацевтика фаолиятининг қуйидаги йўналишлари (уларнинг қисмларини) лицензиялаш тартибини белгилайди:

- а) дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш;
- б) дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш;
- д) дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;

е) доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб юритади) томонидан Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда марказ деб аталади) ёки Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) орқали амалга оширилади.

Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари — дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш ва дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар фақат юридик шахсларга берилади, бунда дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлашга лицензиялар фақат дорихоналарга берилади.

Фармацевтика фаолиятининг йўналиши — доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилишни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

2.4. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқариш

Давлат дори воситаларининг асосий турларини бемалол олишни ва улар сифатли бўлишини кафолатлайди.

Тиббий мақсадда қўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан иш кўришнинг барча шакллари тақиқланади.

Тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат органларининг дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди ва амалга оширади, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга доир соғлиқни сақлаш дастурларини тасдиқлайди ва маблағ билан таъминлайди, уларнинг нархларини назорат қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласини назорат қилади, дори воситалари билан таъминлаш давлат дастурларини маблағ билан таъминлайди.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари:

- давлат буюртмасини тузади ва давлат тиббиёт муассасаларида дори воситалари, тиббий буюмларнинг асосий турлари мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;
- белгиланган тартибда фармацевтика фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлайди;
- лаборатория, ишлаб чиқариш ва дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларни тасдиқлайди;
- миллий фармакопеяни тасдиқлайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати назорат қилинишини, улар рўйхатдан ўтказилиши, стандартлаштирилиши ва сертификацияланишини таъминлайди;
- наркотик, заҳарли, психотроп, радиофармацевтик (радиоактив), кучли таъсир этувчи дори воситалари ва этил спиртини сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, уларнинг захираларини ҳосил қилиш тартибини белгилайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;
- дори воситаларининг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотишни тўхтатиб қўяди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-4055-сон қарорига асосан



2.5. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши

Республикаимиз фармацевтика тизимининг асосий вазифаси аҳолини ва даволаш муассасаларини сифатли дори воситалари билан таъминлашдир. Бу фаолият дори воситаларининг муомаласи куйидаги вазифалар орқали амалга оширилади:

- дори воситаларини яратиш,
- ишлаб чиқариш,
- хориждан келтириш,
- сифатини таъминлаш,
- улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш,
- даволаш муассасаларини таъминлаш.

Ушбу вазифаларни бажарувчи ташкилотларнинг туркумланиши асосида фармацевтика тизимини куйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

1. Фармацевтик саноат корхоналари
 - хорижий (ваколатхоналари асосида)
 - маҳаллий
2. Улгуржи фармацевтик ташкилотлар (дистрибьюторлар)
3. Дорихона муассасалари
4. Фармацевтика хизматининг назорат – рухсатнома тизими ташкилотлари.

Бу ташкилотлар фармацевтика бозорининг инфратузилмасини ташкил этиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг якуний истеъмолчиси бўлган беморларнинг талаб ва эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Фармацевтика бозорининг самарадорлиги ва етуқлиги унинг инфратузилмаси қай даражада ривожланганлигига бевосита боғлиқдир. Фармацевтика бозорида инфратузилма – бу бозордаги юқорида қайд этилган асосий субъектлар: ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, чакана савдо ташкилотлари, истеъмолчилар ва бошқалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдир. Инфратузилманинг ривожи, бир томондан бозорнинг ўсиш суръатлари билан таъминланади, иккинчи томондан ривожланиб бораётган инфратузилма бозорнинг ўсишини рағбатлантиради.

Фармацевтика фаолиятининг аниқ бир турини амалга оширишда ёки уни тартибга солишда бажарилаётган функцияларининг спецификлиги асосида фармацевтика бозори инфратузилмасининг қуйидаги асосий элементлари (субъектлари)ни тоифалаш мумкин:

1. Янги фармацевтик маҳсулотни яратувчи ташкилотлар;
2. Фармацевтик ишлаб чиқарувчи корхоналар;
3. Фармацевтик дистрибьюторлар
4. Чакана дорихона муассасалари
5. Даволаш профилактика муассасаси қошидаги дорихоналари
6. Стандартизация, сертификация ва фармацевтик маҳсулотлар сифатини назорат қилиш ташкилотлари
7. Фармацевтик фаолиятининг назорат-рухсатнома тизими ташкилотлари
8. Даволаш профилактика муассасалари
9. Ахборот – консалтинг хизмат ташкилотлари
10. Фармацевтик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширувчи таълим муассасалари
11. Дори воситалари ва тиббий буюмлар истеъмолчилари

Ушбу муассаса, ташкилот ва хизматларнинг ҳамжихатликда фаолият юритиши фармацевтика бозоридаги ўзаро муносабатлар тизимини шакллантириб, фармацевтик маҳсулотлар ва хизматларнинг оптимал муомаласини таъминлаб, фармацевтика бозори инфратузилмасини ташкил этади.

2.6. Янги фармацевтик маҳсулотларни яратувчи ташкилотлар

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари янги фармакологик воситаларни излашни, кейинчалик уларнинг хоссаларини ўрганишни, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг таркибини ишлаб чиқишни, дори моддаларини (субстанцияларни) ва дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, белгиланган тартибда клиник олди тадқиқотларни ўтказишни, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари тиббий буюмларнинг янги турларини излашни, кейинчалик уларнинг техник хусусиятларини ўрганишни, ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, тиббий буюмларнинг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Дори воситаларини яратиш ва бозорга татбиқ босқичларини таҳлил қилишда дори воситалари оригинал (инновацион) ва генерик препаратларга тоифаланишини ҳисобга олиш зарур.

Оригинал препаратлар - бу компания томонидан илк бор ишлаб чиқилган ва унинг интеллектуал мулки сифатида фақат ўзигагина тегишли бўлган дори воситаларидир. Инновацион (оригинал) препарат ўз таркибида янги ва бозорда аналоги бўлмаган таъсир этувчи модда сақлайди. Оригинал дори воситасининг таркибидаги фаол моддаси қонунчилик билан белгиланган тартибда патентланган бўлади. Патентнинг амал қилиш муддати тугамасидан олдин ҳеч қайси бир фармацевтик компания унинг фаол моддасини синтез қилиши ва тижорат ва нотижорат мақсадларида қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Оригинал препарат яратиш жараёни жудаям катта харажатларни талаб қилади. Жумладан, яратилган 100 та оригинал молекуладан тижорат сотувигача 10-15% дан кўп бўлмаганлари етиб боради. Шеринг АГ компаниясининг маълумотларига кўра, битта дори воситасини яратиш ва Европа бозорига олиб чиқиш харажатлари 500 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган қийматни ташкил этади. Бунда, харажатлар таркиби куйидагичадир:

- дори воситасини ишлаб чиқиш 40%
- клиник синовлар 35%
- бозорга олиб чиқиш 20%
- рўйхатдан ўтказиш ва патент ишлари - 5%

Охирги 10 йилликда янги фармакологик бирикмаларни яратиш соҳасидаги илмий-техник тараққиёт бирмунча ўсишига қарамасдан дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёни кўп вақтни олмақда. XX асрнинг 80-йиллари бошида янги бирикмани перспектив дори воситаси сифатида тасдиқлаш ва уни рўйхатдан ўтказиш 7-9 йилни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу давр 13-15 йилни ташкил этади. Энг аввало бу дори воситаларининг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги каби параметрларига бўлган талабнинг ўсиши билан боғлиқ.

Генерик дори воситаси – бу инновацион препарат патент химоясининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг унинг таркибидаги фаол моддаси фақатгина уни ишлаб чиқарган ёки сотиш учун биринчи лицензияга эга бўлган фармацевтик компаниясининг мулки деб эътироф этилмайдиган вақтдан сўнг ишлаб чиқариладиган дори воситасидир. Генерик дори воситаси оригинал дори воситасининг фаол моддасига ўхшаш фаол моддадан иборат бўлиб, аммо ёрдамчи моддалар (восита таркибига кирувчи консервантлар сифатида қўшилган нофаол ингридиентлар, қўшимчалар, боғловчи моддалар, бўёқлар ва бошқалар) ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан фарқ қилиши мумкин. Генерик дори воситасининг бозорга кириб келиши кўп харажатли тадқиқотлар, клиник синовлар олиб боришни талаб қилмаганлиги сабабли унинг нархи оригинал препаратга нисбатан анча паст. Генерик дори воситасининг самарадорлиги оригинал препаратига нисбатан биеквивалентлик даражаси билан аниқланилади ва у охиргисининг самарадорлигига нисбатан 92-95% ташкил этиши керак.

Генериклар икки хил бўлади:

- брендланган генериклар (машҳур. таниқли савдо номларига эга) – “Упсарин”, “Пенталгин”, “Фезам” ва бошқалар;
- генерик генериклар - ХПН (Халқаро патентланмаган ном) остида сотиладиган дори воситалари - “Диклофенак”, “Ацетилсалицил кислотаси”, “Эналаприл” каби препаратлар.

Ўзбекистон Республикасида янги дори воситасини яратиш фаолияти билан асосан илмий тадқиқот институтлари (ИТИ) шуғулланади. Бу фаолият лицензиялашни талаб этади. Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қаторига А.Султонов номидаги кимё-фармацевтика ИТИ, Ўсимлик моддалари кимёси ИТИ, Биоорганика ИТИ, Тошкент фармацевтика институти, АБ Биоком компанияси ва бошқалар киради.

Мустақиллик йилларида республикада бир қатор оригинал дори воситалари яратилиб, шу билан биргаликда бозорда харидоргир бўлган генерик дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳам амалга оширилмоқда.

Дори воситаларини яратиш, уларни синаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, йўқ қилишни амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар дори воситаларининг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматга эга бўлишлари керак.

2.7. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тизими

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ серияли ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичлари бўйича ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини, қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Фармацевтика бозорининг бу сектори республика аҳолиси ва даволаш муассасаларини ўз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминловчи маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан тақдим этилган.

Хорижий ишлаб чиқарувчилар. Хорижий фармацевтик корхоналари Ўзбекистон фармацевтика бозорида ўз маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва маҳсулотларини тақдим этиш мақсадида тиббиёт ваколатхонарини тузиб, уларда маркетинг хизматларини ташкил этишади. Маркетинг хизматининг мутахассислари доимий равишда бозор конъюктурасини ўрганади, товар савдоси бўйича ўз бозор улушларини оширишга ҳаракат қиладилар. Хорижий компаниянинг республикадаги узок муддатли истиқболли фаолиятини таъминлаш, унинг ижобий имиджини шакллантириш концепциясини хаётга жорий қилиш мақсадида фармацевтика бозорининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларга катта эътибор қаратилмоқда. Айрим хорижий ишлаб чиқарувчилар маҳаллий корхоналар билан биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларида иштирок этишга киришдилар.

Ҳозирги пайтда ғарбнинг йирик компаниялари ўз ассортиментида устуворликка эга (яъни инвестиция талаб қиладиган) дори воситалари рўйхатини чеклаган ҳолда, бир ёки икки терапия соҳаси (масалан, кардиология, урология, онкология)да етакчиликка эришишни афзал кўрмоқдалар. Бунда унча устувор бўлмаган препаратлар бўйича асосиз

бўлган харажатлардан воз кечган ҳолда, истеъмолчилар орасида анча аниқ мавқега эга бўлишга эришиш мумкин.

Маҳаллий ишлаб чиқариш. Ўзбекистон Республикасидаги бозорнинг ислохотлари мамлакат фармацевтика саноатининг шаклланишига асос бўлди. Ислохотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳаси, корхоналарнинг мулкчилик шакллари, фармацевтика корхоналари ва фармацевтика бозорининг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатлар тизимида намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш мақсадида ЎЗР ВМ қарорига асосан “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни (ДАК) тузилди.

«Ўзфармсаноат» ДАК вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- юқори сифатли дори воситалариларини яратиш ва татбиқ этиш
- ишлаб чиқариш технологиясини ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш
- хом ашё базасини ривожлантириш
- хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида янги корхоналарни ташкил этиш
- мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта жихозлаш.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши республикамизнинг маҳаллий фармацевтик саноатини ривожлантиришни таъминлади. Бу ривожланишга ички имкониятларни сафарбар қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида эришилди. Республикамиз мустақилликка эришишидан олдин биттагина фармацевтик ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлган бўлса, 2000 й. да корхоналарнинг сони 30 га ва ҳозирги пайтда уларнинг сони юздан ортиғини ташкил этмоқда.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун ва “Ўзфармсаноат” концернининг илмий ишлаб чиқариш потенциали сифатида фармацевтика корхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва ташқи иқтисодий фаолият фирмаларини ўз ичига олган тузилмавий бўлимлар шакллантирилди.

Республика ҳукумати томонидан миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида GMP (Good Manufacturing Practice) талабларига жавоб берувчи янги корхоналар яратиш, маҳаллий хом ашё материалларидан фойдаланиш ва хорижий сармояларни жалб этиш кўзда тутилмоқда.

“Ўзфармсаноат” концерни томонидан “Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқаришни ва импортини ўрнини босишни кенгайтиришнинг тармоқ дастури” ишлаб чиқилди. Дастурда фармацевтика

саноатини келгусида янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- замонавий дори турларини ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида амалдаги корхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш;
- замонавий дори препаратларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш;
- маҳаллий ва хориждан келтириладиган хом ашёлар асосида субстанциялар ҳамда дори препаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш.

Бозор инфратузилмасининг шаклланиши ва фармацевтика бозорининг жадал ривожланиши хорижий инвестицияларни ушбу тармоққа жалб этиш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида қўшма корхоналарнинг яратилишини рағбатлантиради.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш етакчи фармацевтика компанияларининг тажрибаларини жалб қилишга имкон беради, GMP талаблари асосида замонавий ишлаб чиқариш корхоналарининг яратилишини таъминлайди ва бунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кафолатлайди. Қўшма фармацевтика корхоналарининг яратилиши маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмлар ассортиментининг сезиларли кенгайишини таъминлади. Бунда асосий эътибор импорт ўрнини босувчи препаратлар ва биринчи навбатда ҳаётий зарур дори воситалари рўйхатига кирувчи препаратларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг натижалари туфайли фармацевтика секторини ривожлантириш имкониятини яратди. Бунда акционер фармацевтика корхоналари сонининг ўсиши, мулкчиликнинг аралаш ва қўшма турлари асосида фаолият юритаётган фармацевтика корхоналарининг яратилиши, фармацевтика бизнесида хусусий секторнинг кенгайди. Ҳозирги пайтда республикада юздан ортиқ дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда.

Бошқа ҳар қандай тижорат корхоналари каби фармацевтика корхоналари ҳам фақат олинадиган фойда ҳисобига ривожланади. Ташкилотнинг даромадлилигини ва муваффақиятини таъминлашда, шу жумладан сотув фаолиятида ҳам, асосан тезкор ва ишончли бозор ахборотиغا эга бўлишдир. Бундай ахборот манбалари турли-туман бўлиб, уларга жуда қиммат турувчи маркетинг тадқиқотлари, махсус маълумотлар базаси (IMS нашрлари, Drug

Audit маълумотлари). Хамда бу маълумотларни Opinion Leaders - у ёки бу соҳадаги фикрларни шакллантирувчи (давлат муассаларининг маъсул ходимлари, ДПМларнинг мансабдор шахслари, тиббиётнинг турли соҳаларидаги етакчи мутахассислар, шунингдек, касбдошларининг фикрига таъсир ўтказувчи шифокор-мутахассислар) шахслар билан ишлаш жараёнида олиш мумкин. Аҳамиятли оператив маълумотлар олишда тиббиёт вакилларининг роли ўта муҳимдир. Улар худудда юз бераётган ҳар қандай муҳим ҳодисалар: рақобатчилар фаоллигининг ўзгариши, улар ўз дори воситалари промоциясининг янги турларини татбиқ этаётганини, соғлиқни сақлаш тизимидаги муҳим ўзгаришлар (имтиёзли дори воситалари рўйхатининг тайёрланиши, бюджет маблағларининг тақсимланишидаги ўзгариши ва б.), шунингдек маҳаллий бозорларнинг ўлчамлари ва ўзгариш тенденциялари каби маълумотлар бера олиш имкониятига эга бўлганликлари боис компанияларнинг жойлардаги “кўзлари ва қулоқлари” ҳисобланадилар. Маркетинг бўлими томонидан ўтказилган тадбирлар (симпозиумлар, доира суҳбатлари, ташқи реклама, дорихона сотувлари акциялари в.б.) самарадорлиги бўйича тиббиёт вакилларининг маълумотлари ҳам анча муҳим.

Шу тариқа, тиббиёт вакиллари ишининг асосий мақсади савдо ва фойдани кўпайтиришга қаратилган. Шифокорларга дори воситалари ҳақида маълумот бериш, тиббий жамоаларга дори воситалари ва даволашнинг янги усуллари ҳақида энг охирги маълумотларни етказиш, компания имиджини яратиш, реклама материалларини тарқатиш ва ҳоказолар фаолият мақсади эмас, бироқ мақсадга эришиш воситалари ҳисобланади. Фармацевтика компанияси тиббиёт вакилининг асосий вазифаси дори воситалари ва тиббий буюмларини шифокорлар томонидан тавсия этилишини рабатлантириш йўли билан уларни сотувидан тушадиган фойдани ошириш, шунингдек, дорихоналар ва шифохоналар томонидан ушбу дори воситаларининг харид қилинишини рабатлантириш. Айнан ана шу мақсад учун реклама материалларини тарқатиш, шифокорлар ҳузурига ташриф буюриш, препаратлар бўйича анжуман ва симпозиумлар ўтказиш, дорихона акциялари ва бошқа маркетинг тадбирлари амалга оширилади.

Тиббиёт вакили ишининг самарадорлигини назорат қилиш одатда, вакилнинг ўз бозорини (поликлиникалар, шифокорларни ва б.) билиши, шунингдек, мижозга етказётган маълумотлари таълим олиш жараёнида олган маълумотларига мос келиш даражасини текширишни ўз ичига олади. Бундай назорат регионал менежерлар томонидан амалга ошириладиган “иккиламчи ташриф” деб аталувчи ташрифлар жараёнида ўтказилиб, унинг асосий мақсади назорат ва жазолаш эмас, балки тиббиёт вакилига ёрдам

бериш, зарурат туғилганда эса уни “майдон”даги ишида қўллаш учун амалга оширилади. Охирги маълумотларга кўра, битта ходимнинг мижозга ташрифи компания учун 20-25 АҚШ долларига тўғри келиши аниқланган (ва бу харажатлар натижага боғлиқ эмас). Ушбу харажатларга қуйидагилар киради: иш ҳақи, автомобилга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш харажатлари, шунингдек ташриф вақтида фойдаланиладиган материалларни (брошюралар, мақолалар тўплами, намуналар в.б) ишлаб чиқиш ва тайёрлаш.

Шу тариқа, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабни шакллантириш бўйича белгиланган мақсадга эришишни таъминловчи фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва бозорнинг бошқа субъектлари орасидаги ўзаро муносабатлар шаклланади.

2.8. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси – дистрибьюцияси тизими

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ҳамда сақлаш қоидалари бўйича амалга оширилади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни қуйидаги ташкилотлардан харид қилиш ҳуқуқига эга:

- дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналардан;
- дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи бошқа ташкилотлардан,
- хорижий ишлаб чиқарувчи корхоналардан ва улгуржи реализация қилувчи ташкилотлардан.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона бинолари санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бериши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона мудири фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Хорижий ва маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий буюмлар аҳоли ва даволаш муассаларини таъминловчи дорихона муассасаларига етиб бориши улгуржи фармацевтик ташкилотлар (дистрибьюторлар) томонидан таъминланади.

Дистрибьюторларнинг асосий вазифасига қуйидагилар киради:

- фармацевтик бозорни ўрганиш ва дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- хорижий ва маҳаллий фармацевтик корхоналар билан шартномалар тузиш
- хориждан келтирилган товарнинг божхона расмийлаштирилувини ўтказиш;
- ишлаб чиқарувчи корхоналардан товарни қабул қилиш ва жойлаштириш;
- товарнинг сифат назоратини таъминлаш;
- товарнинг тўғри сақланишини ташкил қилиш;
- дорихоналар билан товарни етказиб бериш бўйича шартнома тузиш;
- етказиб бериш жараёнини ташкил этиш, транспортировка,
- фармацевтика бозорида ахборот таъминотини ташкил этиш.

Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун улгуржи фармацевтик ташкилотлар таркибида махсус жихозланган фармацевтик омбор бўлиши зарур бўлиб, ташкилотнинг фаолияти меъёрий хужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фармацевтик дистрибьюция тизими, яъни дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан улгуржи савдо қилиш тармоғи Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган ва бозор муносабатларининг ривожланаши бошланган пайдан буён шаклланмоқда. Бу даврга қадар фармацевтика хизмати, шу жумладан улгуржи етказиб бериш тизими тўлиқ давлатга қарашли бўлиб, дорихоналарга дори воситалари ва тиббиётга доир маҳсулотлар етказиб берувчи ягона таъминотчи “Фармация” Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси (РИБ) бўлиб, унда марказий дорихоналар омбори ва унинг регионал филиаллари фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1994 йилдаги №132 қарори билан “Фармация” (РИБ) “Дори-дармон” давлат акционерлик ассоциацияси (ДАА) сифатида қайта ташкил этилди.

Қарорга кўра қуйидагилар “Дори -дармон” АКнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида белгиланди:

- аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;
- ҳаётий зарур дори воситалари ва тиббий буюмларига, шу жумладан гиёҳванд ва ҳисобда турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;
- “Дори -дармон” АК таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш;
- дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш.

Ушбу қарорга мувофиқ “Дори-Дармон” АК таркибига кирган корхона ва ташкилотлар рўйхати ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Ассоциация таркибига “Дори-дармон”нинг худудий бирлашмалари, “Дори-дармон” улгуржи корхоналари назорат-аналитик лабораториялар ва акционер дорихоналар кирди.

Шу билан бир қаторда мулкчилик шакли ва ташкилий шакли турлича бўлган янги улгуржи фармацевтика ташкилотдари тузиш жараёни асосида Ўзбекистон Республикасида фармацевтик дистрибьюция тизимининг жадал ривожланиш жараёни бошланди. Ўзбекистон фармацевтика бозорида улгуржи бўғиннинг ривожланиш ҳолатидаги жадал ўсиш суръатлари ҳисобига ушбу сегментда рақобат муҳити ортаётгани кузатилмоқда. Бу эса дистрибьюторлар орасидаги рақобат ҳисобига улар томонидан ассортимент ва нарх сиёсатини оқилона шакллантиришга бўлган заруратни вужудга келтирмоқда. Кейинги йилларда йирик улгуржи компаниялар - дистрибьюторлар орасидаги рақобат янада кучайиб: нарх сиёсати ва таклиф қилинаётган дори воситаларининг ассортиментини ҳисобига сезиларли афзалликка эришишлари мураккаб бўлгандиги боис улар ўз миқдорларига айнан хизмат кўрсатиш савиясини оширишга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

Ҳозирги пайтда фармацевтик дистрибуция тизимида хорижий стандартларга ўтиш ва улгуржи савдони ташкил этишда илғор технологиялардан фойдаланиш - логистиканинг замонавий тамоилларини татбиқ этиш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, товар харид қилиш ва етказиб бериш жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек маркетинг коммуникацияларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кузатилмоқда. Кейинги вақтларда йирик улгуржи ташкилотларнинг республиканинг турли худудларида ўз регионал омборларини очиш йўли билан ўзининг иштирокини кенгайтириш тенденциялари кузатилмоқда. Шу тариқа, турли худудларда жойлашган дорихона муассасаларига худудда жойлашган кичик улгуржи ташкилотлар ёки марказлаштирилган йирик компанияларнинг филиаллари билан ҳамкорлик қилишда танлов ҳуқуқи берилади. Бу омил худудларда рақобат муҳитини ривожлантириб, оптимал нарх таклифлари, шунингдек, етказиб беришнинг янада сифатли сервис шартлари асосида дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг энг яхши ассортиментини танлаш имкониятини яратади.

2.9. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизими

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки тасдиқланган Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатига кўра рецептсиз амалга оширилади.

Дорихона муассасалари жумласига дорихоналар ва уларнинг филиаллари, даволаш ва касалликнинг олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради.

Фармацевтика тизимининг асосий вазифаси бўлган беморларга хизмат кўрсатиш ва дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдосини амалга ошириш дорихона муассасаларига юклатилган. Республикамизда фаолият юритадиган дорихоналар фаолият турига кўра икки хил бўлади – очик турдаги (аҳолига хизмат қиладиган дорихона муассасалари) ва даволаш-профилактика муассасалари қошидаги дорихоналар (шифохона дорихоналари).

Аҳолига хизмат қиладиган дорихона муассасалари дори воситаларини шифокор рецепти бўйича ва рецептсиз сотиш ҳуқуқига эга бўлиб, таъсис

этилиши бўйича улар хусусий ва акционер дорихона сифатида фаолият юритиши мумкин. Бу дорихонанинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- аҳолидан рецептларни қабул қилиш ва улар асосида дориларни бериш;
- рецепт асосида дори тайёрлашни ташкил этиш;
- тайёрланган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш;
- рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситаларининг савдосини ташкил этиш;
- аҳоли ўртасида санитария – маориф ишларини ўтказиш;
- биринчи тиббий ёрдамни ташкил этиш;
- дорихонада санитария тартибини сақлаш

Шифохона дорихоналари даволаш муассасасининг таркибида унинг бир бўлинмаси сифатида фаолият юритиб, фақат шу шифохонада даволанаётган беморларга хизмат кўрсатади. Бунда даволанаётган беморларнинг врач кўригидан кейин белгиланган дори воситалари ва даволаш жараёни учун зарур бўлган тиббий буюмлар катта хамшира томонидан белгиланган тартибда талабномага расмийлаштирилиб, дорихонага тақдим этилади. Талабномага асосан талаб қилинган дори воситалари ва тиббий буюмлар дорихона томонидан таъминланади. Дорихонага улгуржи фармацевтик ташкилотлар томонидан келтирилган барча дори воситалари ва тиббий буюмлар қиймати шифохонанинг ҳисоб рақамидан тўланади. Барча турдаги дорихоналар ўз фолиятини меъёрий ҳужжатларнинг талабига мувофиқ олиб борадилар.

Фармацевтика бозори инфратузилмасининг чакана бўғинидаги ривожланиш даври ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1994 йилда №132 сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дорихона муассаларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳақида”ги қарори билан боғлиқ. Белгиланган тартибга мувофиқ 86% дорихона муассасалари давлат тасарруфидан чиқарилди, ва уларнинг фаолияти хусусий ва акциядор мулкчиликлари шаклида қайта ташкил этилди. Юқорида кўрсатилган ислохотлар аҳолига хизмат кўрсатувчи дорихоналарга тегишли бўлиб, шифохона қошидаги дорихоналар фаолияти аввалги тартибда қолди.

Агар шунга қадар “Фармация” РИБ республикадаги барча дорихона тармоғини марказлашган бошқарувини шунингдек, таъминотини амалга оширган бўлса, қайта ташкиллаштирилган “Дори-дармон” ДАА фақат ўз таркибига кирган акционерлик дорихоналари фаолиятини бошқариш ваколатига эга бўлди. Ҳозирги пайтда “Дори-дармон” акционерлик

компанияси ижтимоий йўналтирилган дорихоналарнинг кенг тармоғи, худудий омборхоналари мавжуд “Дори таъминоти” улгуржи савдо ташкилоти, шу билан бирга фармацевтика ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлган энг йирик кўп профилли ташкилотдир.

Кейинги даврда фармацевтика соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қўллаб қувватланиши натижасида жуда кўп миқдорда хусусий дорихоналар очилди. Ҳозирги вақтда фармацевтика бозорининг чакана бўғинида аҳолига ҳизмат кўрсатувчи 5000дан ортиқ хусусий ва 1250 та акционерлик дорихоналари фаолият юритмоқда.

Фармацевтика соҳасидаги модернизация жараёнлари таъсирида чакана бўғин фаолиятида ҳам янги технологияларнинг қўлланилиши кузатилмоқда, бунга дорихоналар тармоғини ташкил этиш асосида янгича хизмат кўрсатиш турларини татбиқ этиш мисолларини келтириш мумкин. Бунда дорихоналар тармоғида дорихона муассаларининг ягона вертикал бошқаруви асосида дори таъминоти, логистика, ассортимент, нарх сиёсати бўйича ягона сифат стандартини таъминлаш, мутахассисларнинг касбий даражасига ягона ёндошув, молиявий, юридик ва маркетинг хизматларини марказлаштириш имкониятлари яратилади.

Даволаш профилактика муассалари дорихоналари. Фармацевтика хизматининг асосий вазифаси аҳолига ҳизмат кўрсатиш билан бирга даволаш профилактика муассаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш вазифасини бажаради. Даволаш профилактика муассасалари – республика, вилоят, туман шифохоналари, клиникалар, тиббиёт марказлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санаторий-профилакторийлар, реабилитация марказлари ва бошқа тиббиёт муассасалари фармацевтика бозорининг госпитал сегменти (бўғини)ни ташкил этади. Бозор муносабатлари фармацевтика бозорининг госпитал сегментини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу тизим ҳозирда ҳалқаро талабларга мос равишда босқичма-босқич ривожланмоқда, бу ислохотлар инновацион ёндошувлар асосида амалга оширилмоқда. Буларга ДПМ лар томонидан амалга ошадиган харидларда “рақобатли нархлар” асосида ўтказиладиган харидлар ёки тендер харидлари мисол бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Фармацевтика фаолияти тушунчасини таърифланг
2. Фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг қонуний асослари

3. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилишини ёритиб беринг
4. Дори воситалари ва тиббий буюмларини ишлаб чиқариш тизими қандай шаклланган?
5. Дори воситалари ва тиббий буюмларининг улгуржи савдоси – дистрибуцияси тизими қандай ташкилотлардан иборат?
6. Дори ва тиббий буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизимини таърифланг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2911-сонли қарори,
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3137 сонли қарори,
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5229-сонли фармони,
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3489-сонли қарори,
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли қарори ва бошқалар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сонли “Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
9. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
10. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
11. Саипова Д.Т. Фармацевтический менеджмент // Курс лекций. – Ташкент, 2015. – С. 232.

4-5 мавзу: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг назорат рухсатнома тизимидаги ислохотлар (4с)

Режа:

1. Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома қуйи тизими.
2. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги.
3. Дори воситалари ва тиббий буюмлар экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази.
4. Фармакология Қўмитаси.
5. Фармакопея Қўмитаси.
6. Гиёхвандлик воситалари назорати Қўмитаси.
7. Янги тиббий техника Қўмитаси.
8. ДВТБЭС Давлат Марказининг ташкилий бўлинмалари.
9. Фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси.

Таянч иборалар: *фармацевтика фаолияти, фармацевтика тармоғи, назорат рухсатнома тизими, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, Фармакология қўмитаси, Фармакопея қўмитаси.*

Фармацевтика тизимида муомалада бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар алоҳида ахамиятга эга бўлган маҳсулотдир, чунки у самарали, сифатли ва безарар бўлиши керак. Шу сабабли фармацевтика хизматидаги назорат – рухсатнома тизими ташкилотларининг фаолияти ушбу талабларнинг бажарилишини назорат қилишга қаратилган. Уларга дори воситаларини стандартлаштириш, сифатини назорат қилиш, сертификатлаштириш каби вазифаларни бажарувчи муассасалар, ҳамда

фармацевтика фаолиятини лицензиялаштириш ва фармацевтика фаолиятининг назоратини ўтказувчи тузилмалар киради.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика хизматининг назорат-руҳсатнома тизими - дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, тиббий-профилактик ва тиббий-косметик воситаларнинг сифатини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини белгиловчи ташкилий тузилмадир.

Назорат руҳсатнома тизимининг вазифаси – дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг фармацевтика амалиётида ишлатиш учун руҳсат бериш ва татбиқ этиш босқичида тўлақонли ўрганилишини таъминлаш, корхоналар томонидан сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ёки мамлакатга хориждан олиб келиниши, сақланиш ва сотиш (тарқатиш) шароитларининг бузилиши билан боғлиқ нохуш оқибатлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилишдир.

Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида уларнинг сифатини таъминлашга бўлган талаблар доимий равишда ўсиб боришининг сабаби воситаларнинг сифати уларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги билан узвий равишда боғлиқлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, дори воситалари сифатининг таъминланиши ҳар бир бемор ва бутун бир жамиятнинг хавфсизлиги таъминланишининг кафолатидир.

Фармацевтика маҳсулотлари, даволаш озиқ-овқатлари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги №181-сон Қарорига мувофиқ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси (ДВ ва ТТСНББ) ташкил этилди.

ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052 сон “Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 17 августдаги 462-сон “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига биноан қайта ташкил этилиб “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” Давлат унитар корхонаси (ДУК) ҳуқуқий мақомини олди.

Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан

таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябридаги [“Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 5229-сон Фармони](#)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги** ташкил этилди.

Фармонга асосан, қуйидаги давлат муассасалари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги таркибига киритилди:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази;
- Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти;
- Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти;
- “Шарқ табобати” илмий-тадқиқот институти;
- “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери.

Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

— фармацевтика тармоғини, жумладан уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш йўли билан барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва унинг асосида ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

— тармоқ корхоналарига етакчи хорижий фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, фармацевтика маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда кўмаклашиш;

— фармацевтика тармоғини, шу жумладан фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш (дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бундан мустасно) йўли билан давлат томонидан бошқариш;

— фармацевтика тармоғига илғор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

— импорт қилинаётган ва республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ ахборот йиғишни таъминловчи Фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий қилишда иштирок этиш;

— инновацион ва юқори сифатли дори воситаларини, тиббий буюмлар ва тиббий техника воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, фармацевтика соҳаси мутахассисларини халқаро таълим стандартлари асосида ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича тайёрлашни, фармацевтика таълимининг халқаро илмий ҳамжамият тизимига изчил интеграциялашувини таъминлаш ва республикада фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери Дирекцияси фаолиятини мувофиқлаштириш.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлигининг Марказий аппарати таркибига қуйидаги асосий бўлинмалар киради:

- Ахборот таҳлил бошқармаси
- Инвестиция лойиҳалари мониторингини олиб бориш ва фармацевтика эркин иқтисодий зоналари фаолиятини ривожлантириш бошқармаси
- Ишлаб чиқариш масалалари бошқармаси
- Лицензилаш ва назорат қилиш бошқармаси
- Фан ва таълимни ривожлантириш бошқармаси
- Халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси
- Халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги таркибдаги **Халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси** қуйидаги вазифаларни бажаради:

- фармацевтика тармоғига илғор хорижий амалиёт ва халқаро стандартлар жорий этилишини мувофиқлаштириш;
- маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларнинг сифатини назорат қилиш ишларини тегишли стандартлар талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш;
- дори воситаларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг дистрибуция жараёни сифатини тегишли стандартлар талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш;

- фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва даволаш-профилактика муассасалари тегишли ходимларини соҳага оид йўналишлар бўйича малакаларини ошириш ва мутахассисларини сертификатлаштириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;
- фармацевтика тармоғи мутахассисларини малака ошириш курсларида, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ёки хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитишни ташкил қилиш.

Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг асосий вазифалари:

— юридик ва жисмоний шахсларнинг фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана савдо фаолияти бундан мустасно) лицензиялаш ишларини ташкил этиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

— лицензиатлар томонидан лицензия талаб ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш ишларини ташкил этиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

— ўз ваколатлари доирасида лицензиялаш бўйича давлат хизматларини электрон равишда кўрсатишга оид ахборот тизимлари ва веб сайтларни юритиш;

— тадбиркорлик субъектларига лицензияланадиган фаолият йўналишларини амалга ошириш учун яратиладиган шароитларни белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштириш юзасидан консултатив-методик ёрдам кўрсатиш.

Фан ва таълимни ривожлантириш бошқармаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

— Агентликнинг илмий-тадқиқот институтлари (ЎзКФТИ, ТошВЗИТИ ва ШТИТИ) фундаментал, давлат илмий-техник дастурлари ва инновацион ишларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

— импорт ўрнини босувчи дори воситаларини яратиш бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

— маҳаллий доривор субстанциялар ва тайёр дори воситаларининг ишлаб чиқишини назорат қилади;

— илмий-ишлаб чиқариш институтлари ва фармацевтика корхоналари ўртасида янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва янги тадқиқот йўналишлар бўйича ҳамкорликни таъминлайди;

— илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни тижоратлаштириш ва янги тадқиқот йўналишларини бошлашда кўмаклашади;

— Агентликнинг Илмий-техник кенгаши йиғилишларини ташкил этади;

— амалий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар танловига Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш учун тегишли институтларнинг илмий лойиҳаларини танлашда иштирок этади;

— фармацевтика соҳаси мутахассислари учун қайта тайёрлаш, стажировка ва малака ошириш курсларини ташкил этишга кўмаклашиш.

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Дори воситалари, тиббиёт буюмлар ва тиббий техника сифатининг давлат назоратини ташкил этиш ва стандартлаштириш;
- Дори воситаларининг экспертизасини, клиникагача ва клиник синовларини, ҳамда тиббий техника ва тиббиёт буюмларининг клиник ва техник синовларини ташкил этиш.
- Дори воситалари ва тиббий буюмларига оид меъёрий-техник ҳужжатлар - фармакопея мақолалари (ФМ), вақтинча фармакопея мақолалари (ВФМ), спецификациялар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш ва экспертизасини ташкил этиш.
- Маҳаллий ва хорижий дори, профилактика, диагностика воситалари, тиббий техника, тиббиётда қўлланиладиган буюмларни сертификатлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
- Давлат фармакопеяси, Давлат реестри ва бошқа меъёрий ҳужжатларни нашр этишга тайёрлаш ва чоп этилишини ташкил этиш.
- Дори воситаларининг муомаласи соҳасида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларга илмий-услубий хизматлар кўрсатиш.

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази”нинг таркибий тузилмалари

Давлат Маркази таркибида қуйидаги кўмиталар фаолият юритади:

- Фармакология кўмитаси;

- Фармакопея қўмитаси;
- Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси
- Янги тиббий техника қўмитаси

Шу билан бирга Давлат маркази тузилмасида фармацевтик назорат бўлими, дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмларни қайд этиш бўлими, ахборот-таҳлил бўлими, метрология, матбаа бўлими, фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бўлими, тиббий махсулотни сертификатлаштиришнинг марказий органи каби бўлинмалар мавжуд.

Давлат маркази лабораториялари ISO 17025 халқаро стандарти ва Ўзбекистон давлат стандартига мувофиқлиги бўйича аккредитациядан ўтган бўлиб, сифат менежменти тизимини йилдан-йилга такомиллаштириб боришмоқда.

ДВТБ ва ТТЭвас Давлат маркази таркибида қуйидаги бўлимлар мавжуд:

- Дори воситаларини сифат назорат қилиш ва стандартлаштириш лабораторияси;
- Фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси;
- Вакцина, зардоб воситалар ва микробиологик тадқиқотлар лабораторияси;
- Тиббий техника сифатини назорат қилиш лабораторияси.

Давлат маркази лабораториялари дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш учун АҚШ, Германия, Буюк Британия каби давлатларнинг етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ускуналари билан жиҳозланган, Дори воситаларини сертификатловчи орган ҳисобланади. Андижон, Самарқанд, Ургенч ва Қарши шаҳарларида Давлат марказининг филиаллари мавжуд.

Давлат маркази лабораториялари

- дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;
- норматив ҳужжатларни баҳолайди, дори воситалари ва тиббий буюмлар намуналарининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича синовлар ўтказиш;
- синов баённомаларини, дори воситалари ёки тиббий буюмлар ҳужжатларини Фармакопея, Фармакология ва Янги тиббий техника қўмиталарига тақдим этади.

Ҳозирги кунда лаборатория юқори самарали суюқлик, газ, газ-суюқлик хроматографлари, шунингдек, хромотомас, ультра бинафша ва инфрақизил спектр фотометрлари ва бошқа замонавий ускуналар ҳамда асбоблар билан жиҳозланган. Ушбу жиҳозларда дори воситаларининг таҳлилини ўтказиш

Европа ва Американинг ривожланган мамлакатлари, шунингдек Япония каби давлатлар халқаро фармакопея стандартлари даражасида йўлга қўйилган. 2017 йилда марказ лабораторияларида дори воситалари ва тиббий буюмларнинг 50000 яқин синовлари таҳлиллари ўтказилди.

Вакцина, зардоб препаратлари ва микробиологик таҳлил лабораторияси тиббий маҳсулотларни микробиологик, биологик ва иммунологик кўрсаткичлар бўйича сифат назоратини амалга оширишга ихтисослаштирилган бўлиб, иммунофермент тест системалари каби ташхис воситаларининг синовлари учун иммунофермент анализаторлари билан ҳам жиҳозланган бўлиб, у иммунофермент тест системалари каби ташхис воситаларининг синовлари учун амалга ошириладиган асосий ўлчов воситаларидан бири ҳисобланади.

Иммунофермент услуги бугунги кунда иммунология соҳасида кенг фойдаланиладиган усуллардан бири сифатида тиббий иммунологик препаратлар сифатини назорат қилишда кенг қўлланилмоқда. Фармакотоксикологик таҳлил лабораторияси томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларни фармакотоксикологик кўрсаткичлари бўйича сифат назорати ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатга олиш, сертификатлаш ва давомий назорат синовлари амалга оширилади. Лабораторияда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг бактериал эндотоксинлар кўрсаткичлари бўйича синовларни ўтказиш учун алоҳида махсус жиҳозланган хона ажратилган. Бу синовлар махсус ламинар шкаф ичида микроорганизмлардан холи ҳаво оқими остида амалга оширилади. Фармакотоксикологик таҳлил лаборатория ходимлари томонидан дори воситаларининг гистаминга ҳос таъсирини *in-vitro* усулида амалга ошириш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу услуб Германияда ишлаб чиқарилган ноёб ускуна ёрдамида ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб қўлланилмоқда. Лабораторияда ушбу усулни йўлга қўйилиши дори воситаларининг ноҳуш таъсирларидан бири бўлган, аллергия чақириш омилларини тезкор аниқлаш ва ушбу синовлар натижалари асосида аллергия чақирувчи дори воситаларининг сараланиш имкониятини яратди.

Фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораториясида дори воситалари ва тиббий буюмларнинг биологик хавфсизлиги ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида клиника олди тадқиқотлари амалга оширилади. Бугунги кунда лаборатория томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тадқиқотлари ва синовлари “Яхши лаборатория амалиёти” (GLP) O‘zDSt 2762:2013 Ўзбекистон давлат стандарти талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Ўтган давр давомида лаборатория томонидан дори

воситаларининг самарадорлигини аниқлашнинг 70 дан ортиқ усули йўлга қўйилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун лабораторияда юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатиб, барча синовлар ва тадқиқотлар замонавий синов ва ўлчов воситалари ўрдамида амалга оширилади. Бугунги кунда лабораториянинг синов ва ўлчов воситалари парки 20 дан ортиқ замонавий воситани ташкил этади.

Маълумки, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири тадқиқот ва синовларда ҳайвонларни қўллашни камайтиришдир. Ташкил этилганининг биринчи кунларидан бошлаб лаборатория томонидан ҳайвонларда ўтказиладиган синовларни “in vitro” шароитида ўтказиладиган синовларга алмаштириш устида фаолият олиб борилди. Шу муаммони ҳал этишни кўзлаган ҳолда, дори воситаларининг қуёнларда амалга “Пирогенлик” кўрсаткичи бўйича синовлари “in vitro” шароитида амалга ошириладиган “Бактериал эндотоксинлар” кўрсаткичи бўйича синовларга алмаштирилди. Бугунги кунда 90% дан ортиқ инъекцион дори воситаларининг синовлари «Бактериал эндотоксинлар» кўрсаткичи бўйича амалга оширилади.

Бу борадаги изланишларни давом эттириб, дори воситалари таркибида гистаминга хос таъсир этувчи моддаларни аниқлашнинг “in vivo” шароитида ўтказиладиган синовлари бугунги кунда лаборатория томонидан “in vitro” шароитида амалга оширилмоқда. Ушбу синовлар Америка Қўшма штатларининг «World precision instruments, Inc.» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган махсус аппаратда амалга оширилиб, ушбу синов воситаси Ўзбекистонда яғонадир.

Фармакология қўмитаси

Фармакология қўмитаси дори воситаларни тиббиёт амалиётида қўллаш учун уларнинг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини эксперт баҳолашни амалга оширувчи бўлинмадир. Фармакология қўмитасида дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишга рухсат бериш, экспертизаси, уларни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат бериш, шифокор рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тузиш ва мунтазам равишда янгилаб туриш каби ишлар олиб борилади. Фармакология қўмитаси таркибида дори воситаларни тиббиёт амалиётида қўллаш даврида уларнинг ножўя таъсирлари мониторингини амалга ошириш бўйича гуруҳ тузилган. Мазкур йўналишда дори воситалари ҳавфсизлигининг мониторинги бўйича ЖССТ Халқаро Маркази (Уппсала, Швеция) билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дори воситасининг *клиникагача синов*и унинг фармакологик таъсирини (дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари) ўрганиш, шу жумладан

тажриба хайвонларида синаш ва дори шаклини яратиш мақсадида ўтказилади. Клиникагача синовнинг асосий мақсади дори воситасининг етарли равишда самарадорлигини ва организмга бўлган ножўя таъсирлар даражасини аниқлашдир.

Клиник синов – дори воситаси самарадорлиги ва хавфсизлиги беморларда аниқланиши ёки тасдиқланишидир, бу синовлар фармакология қўмитасининг клиник базаларида шартнома асосида ўтказилади. Клиник синовларни ўтказиш тартиби ва босқичлари ЎЗР ССВ нинг 2001 йил 25 июль 334-сон буйруғига биноан тасдиқланган.

Клиник синовнинг I босқичи –дори воситасининг хавфсизлигини дастлабки баҳолаш ҳамда унинг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини розилик билдирган катта ёшлик беморларда ўрганиш асосида даволаш дозаларининг бошланғич схемасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг II босқичи дори воситасининг терапевтик самарадорлигини ва қисқа муддатдаги хавфсизлигини баҳолаш, муқобил терапевтик дозаларни, самарадорликнинг дозаларга боғлиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг III босқичи одатда дори воситаси қайд этилгандан сўнг ўтказилиб, бунда унинг терапевтик самарадорлиги ва хавфсизлиги тасдиқланиб, узоқ муддатли нохуш ёки бошқа касалликларга боғлиқ таъсирлари аниқланади.

Клиник синовнинг IV босқичи дори воситасининг бозордаги муомаласи бошлангандан сўнг ўтказилади. Бу синовларнинг мақсади – дори воситасининг терапевтик аҳамиятини, унинг келажакдаги қўлланиш стратегиясини белгилаш, ҳамда ножўя таъсир доираси, бошқа дорилар билан мутаносиблиги бўйича қўшимча маълумотлар олишдир.

Фармакопея қўмитаси

Фармакопея қўмитаси дори воситалари, шунингдек фармацевтикада ишлатиладиган ёрдамчи воситаларни, стандартларни экспертизадан ўтказувчи, амалиётга жорий этилишини таъминловчи бўлимдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармакопея қўмитаси вазирликнинг 1992 йил 14 апрелидаги 227-сон буйруғига биноан Тошкент фармацевтика институти қошида ташкил этилди. 1994 йил 22 июлида “Ўзфармсанокат” Давлат-акционерлик концерни тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сон “Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан Фармакопея қўмитаси “Ўзфармсанот” давлат акционерлик концерни ихтиёридан қайта Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тасарруфига ўтказилди ва шу кунга қадар Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси таркибида фаолият юритмоқда.

Фармакопея қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- дори воситаларини яратувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган меъёрий-техник хужжатлар (МТХ) лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, уларнинг сифатини талаблар даражасига кўтариш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясини чоп этишга тайёрлаш;
- Дори ва ёрдамчи воситаларга қўйиладиган умумий стандарт талаблари ва назорат усулларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;
- Республикадаги дори воситалари назорат-таҳлил лабораториялари, дорилар муомаласига алоқадор бўлган ташкилот ва муассасаларни МТХлар билан таъминлаш;
- Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, сифат назоратини амалга ошириш, сақлаш бўйича бошқарув хужжатлари ва йўриқномаларни тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш.

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси - гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ноқонуний муомаласининг олдини олиш бўйича фаолият олиб боровчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ҳисобланади.

Қўмитанинг вазифалари:

- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларга оид меъёрий хужжатларни тайёрлашда иштирок этади;
- 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциялари тавсияномаларига мос равишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар рўйхатини кўриб чиқишда қатнашади;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомаласи устидан назорат қилишни таъминлайди;

вазирликлар, ташкилотлар буюртмалари асосидаги тиббиёт ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат қилади;

- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш бўйича ҳуқуқий шахсларнинг аризаларини кўриб чиқади;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар экспертизасининг янги усулларини баҳолашда қатнашади;
- Ўзбекистон Республикасининг гиёҳванд воситаларга бўлган эҳтиёжини жамлайди ва БМТ нинг гиёҳвандлар назорати қўмитасига квота ажратиши учун юборилади;
- БМТ нинг гиёҳвандлик воситалари муомаласи бўйича халқаро гиёҳвандлар назорати қўмитасига Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

Янги тиббий техника қўмитаси - Республикага олиб кириладиган ва Республикада яратилган янги тиббий техникани экспертизасини амалга ошириб, қайд этиш руҳсатномасини тайёрлайди, бу қўмита ишида тиббий техника жиҳозлари ва маҳсулотлари сифатини назорат қилиш лабораторияси ёрдам беради.

Матбаа бўлими – Республикада фармацевтика соҳаси бўйича илмий – амалий янгиликларни мазкур соҳа мутахассисларига ва аҳолига етказиш билан шуғулланади. Ушбу вазифалар “Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси” ва ҳар йили бир марта чиқариладиган “Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат реестри”ни тайёрлаш ва чоп этиш йўли билан амалга оширилади.

Сертификатлаштириш идораси тиббиёт буюмлари ва дори воситаларига мувофиқлик сертификатини беради.

Хозирги кунда истеъмолчилар ҳуқуқини химоя қилиш аҳолини сифатли, безарар тиббий техника, ускуналар ва тиббий буюмлар ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ягона Давлат сиёсати қўллаб-қувватланиб, тиббий маҳсулотларни сифатини назорат қилувчи, мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўлган, замонавий асбоб-ускуналар ва малакали мутахассислар билан таъминланган тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи ва республиканинг тўрт

худудлари: Андижон, Урганч, Самарқанд, Қарши шаҳарларида Давлат Маркази шўъба корхоналарининг сертификатлаштириш органлари фаолият кўрсатмоқда. Бу сертификатлаштириш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Узстандарт агентлиги кенгашининг Қарори билан идорага Марказий сертификатлаштириш идораси мақоми берилган.

Дори воситалари экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази қошидаги сертификатлаштириш идораси 1996 йил Узстандарт агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган бўлиб ҳозирги кунда фаолият юритиб келмоқда. Сертификатлаштириш органлари Халқаро аккредитацияловчи ташкилот “ТуркАК” томонидан EN 45011-рақамли халқаро стандарти талаблари асосида аккредитациядан ўтган. 2017 йилда эса ISO/IEC халқаро стандарти талаблари асосида қайта аккредитациядан ўтди.

Сертификатлаштириш идораси томонидан дори воситаларига берилган мувофиқлик сертификатлари Халқаро савдо ташкилотига аъзо булган 70 дан ортиқ ривожланган мамлакатларда тан олинади. Шу сабабли экспортга чиқариладиган маҳаллий дори воситалари ушбу давлатларда қайтадан сертификатлаштиришдан ўтмайди. Бу албатта экспорт салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этади.

Метрология бўлими – сертификация бўлимига синов ўтказиш учун топширилган тиббий буюмлар ва техниканинг меъёрий ҳужжатларга мослигини синовлар асосида текширади.

Рўйхатдан ўтказиш бўлимида хорижий ва маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмларни тиббиёт амалиётида қўллаш учун уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш жараёни амалга оширилиб, буюртмачиларга дори воситаси ёки тиббий буюмни рўйхатдан ўтказганлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун бўлимга тақдим этилган ҳужжатлар ва тегишли намуналар белгиланган тартиб бўйича қабул қилинади.

Рўйхатдан ўтказиш бўлими дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ишларини белгиланган тартибда тегишли бўлимлар билан ҳамкорликда олиб боради.

Назорат саволлари:

1. Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома тизими, унинг вазифалари ва аҳамиятини таърифланг
2. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлигининг тузилиши ва вазифаларини таърифланг.
3. Фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси функциялари нимадан иборат?

4. Дори воситалари ва тиббий буюмлар экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази қандай тузилишга эга ва қандай вазифалрни бажаради?
5. Фармакология ва Фармакопея қумиталарининг функциялари нимадан иборат?
6. Гиёхвандлик воситалари назорати Қўмитаси қандай вазифаларни бажаради?
7. Янги тиббий техника Қўмитаси функциялари нимадан иборат?
8. ДВТБЭС Давлат Марказининг ташкилий бўлинмаларини санаб беринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2911-сонли қарори,
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3137 сонли қарори,
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5229-сонли фармони,
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3489-сонли қарори,
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли қарори ва бошқалар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан

- такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сонли “Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
 9. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
 10. Абдусатторова Х.М. “Инновация стратегияси” ўқув қўлланма – Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – 240-б.
 11. Акбарходжаева З.З. “Инновацион менежмент”. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: ТДИУ. 2012. 214-б.
 12. Ричард Дафт МВА Менежмент. 10-е издание..Пер. с англ.. -СПб.: Питер, 2014. -658 с.
 13. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
 14. Саипова Д.Т. Фармацевтический менежмент // Курс лекций. – Ташкент, 2015. – С. 232.
 15. <https://uzpharmagency.uz>

6-мавзу: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ривожланиши ва халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси (2 с)

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида GxP тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлар
2. GxP яхши амалиётлар туркуми.
3. Дори воситаларининг сифатини таъминлашда GxP яхши амалиётлар туркумининг аҳамияти ва моҳияти.
4. Соғлиқни сақлаш тизимида фаолияти дори воситалари таъминоти тартибга солишга ва сифатини таъминлашга қаратилган халқаро ташкилотлар
5. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ривожланиши ва халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида GxP тизимини жорий этиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сонли “Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бугунги кунда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллий корхоналарда “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” (GMP), “Яхши фармаконадзорат амалиёти” (GVP), шунингдек, “Яхши дистрибьюторлик амалиёти (GDP), Яхши лаборатория амалиёти (GLP) ва “Яхши клиника амалиёти” (GCP) тартибга солишга қаратилган амалиётларини жорий этиш жараёни босқичма босқич олиб борилади.

Дори воситаларининг сифатини таъминлашда GxP яхши амалиётлар туркумининг аҳамияти ва моҳияти

Фармацевтика тармоғига GxP стандартларини жорий этиш аҳолини хавфсиз, сифатли маҳсулот билан таъминланишига олиб келиб, республикада маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларини чет эл давлатларига экспорт қилишга кенг йўл очиб беради.

GxP нинг асосий мақсади нима? Оддий қилиб айтганда, бу маҳсулот ва хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар тўплами. Аниқроқ қилиб айтганда, GxP тартибга солинадиган соҳаларни жуда аниқ ва хавфсиз ишлаб чиқариш жараёнларига ва сақлаш тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбур қилади, одам иштирокида хавфсиз клиник тадқиқотларни таъминлайди, ҳамда клиник бўлмаган лаборатория синовлари учун самарали тадқиқот стандартларини ўрнатади. GxP ғоят самарали ва амалий ҳужжатларга эътибор қаратади.

Ушбу атамалар GxP контекстида нимани англатади? Бу маълум маҳсулот ёки тадқиқот учун бутун қисми ёки турли ҳиссаларни аниқ бир таърифини англатади. Барчаси, шу жумладан ким ҳисса қўшгани ва ушбу ҳиссаларнинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар ҳужжатлаштирилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичи ҳам ҳужжатлаштирилади. Шундай қилиб, ҳар қандай маҳсулотнинг келиб чиқишини кузатиб бориш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар бир ораликни текшириш осонлашади.

2020 йилнинг 1 декабр санасидан Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом кучга кирди (<http://lex.uz/docs/4520726>).

GxP яхши амалиётлар туркуми

Фармацевтикада GxP концепцияси: бу фармацевтика соҳасида қўлланиладиган ва барча илғор усуллар учун умумий атама сифатида ишлатиладиган машҳур концепция.

Фармацевтик препаратлар учун GxP талаблари концепцияси АҚШнинг Озиқ-овқат ва дори воситалари бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу атаманинг ўзи турли соҳаларда жуда кўп турли хил қоидаларни ўз ичига олади.

Хўш GxP ўзи нима ва бу стандарт нимани англатади? Бу қисқартмадаги G «зарур» маъносини, P эса «амалиёт»ни англатади. Ўрта қисмдаги X - бу қисқартиришни тегишли равишда тўлдирадиган ҳар қандай сўз билан алмаштирилиши мумкин бўлган ўзгарувчидир.

GxP бир қатор зарур амалиётларни ўз ичига олади:

GLP - зарур лаборатория амалиёти;

GCP - зарур клиник амалиёт;

GMP - зарур ишлаб чиқариш амалиёти;

GSP - зарур сақлаш амалиёти;

GDP - зарур дистрибьюторлик амалиёти;

GPP зарур дорихона амалиётидир

1. “Яхши (зарур) дистрибьюторлик амалиёти” (GDP) – фармацевтика маҳсулотларини улгуржи фаолияти билан шуғулланадиган мутахассислар учун мўлжалланган ва фойдаланувчиларга Яхши дистрибьюторлик амалиёти бўйича;

2. “Яхши (зарур) ишлаб чиқариш амалиёти” (GMP) – дори воситалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар мутахассислари учун мўлжалланган ва фойдаланувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти бўйича;

3. “Яхши (зарур) клиника амалиёти (GCP) - шифокорлар учун мўлжалланган- даволаш-профилактика муасассалари тадқиқотчилари, фармацевтика ходимлари ва фойдаланувчиларга Яхши клиник амалиёт бўйича;

4. “Яхши (зарур) лаборатория амалиёти” (GLP) - илмий-тадқиқот лабораториялари марказлари ходимлари ва институтлари фойдаланувчиларига Яхши лаборатория амалиёти бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4554-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан ГхР “Зарур фармацевтика амалиёти” қоидаларини жорий қилиш бўйича Агентликнинг Халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси ва “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази” мутахассислари билан ҳамкорликда расмий методик қўлланмалар яратилиб, нашр қилинди. Мазкур қўлланмалар тегишли корхона ва ташкилотларга “Зарур фармацевтика амалиёти” қоидаларини жорий этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дори воситаларининг сифатини таъминлашда ГхР яхши амалиётлар туркумининг аҳамияти ва моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4554-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан ГхР “Зарур фармацевтика амалиёти” қоидаларини жорий қилиш бўйича Агентликнинг Халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси ва “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази” мутахассислари билан ҳамкорликда расмий методик қўлланмалар яратилиб, нашр қилинди. Мазкур қўлланмалар тегишли корхона ва ташкилотларга “Зарур фармацевтика амалиёти” қоидаларини жорий этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш тизимида фаолияти дори воситалари таъминоти тартибга солишга ва сифатини таъминлашга қаратилган халқаро ташкилотлар

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти – халқаро тиббий ташкилот; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг ихтисослашган махсус муассасаси. 1945 й. февралда БМТ конференциясида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

1946 й. да соғлиқни сақлаш бўйича Нью-Йоркда ўтказилган Халқаро конференцияда БМТга аъзо 26 та мамлакат ташкилот уставини ратификация

қилгач, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тузилди (1948.7.4). Шу кун бутун дунёда сиҳат-саломатлик куни сифатида нишонланади.

Ташкилот ўз олдига «хамма халқларнинг иложи борича соғ-саломат бўлишига эришишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу муассаса:

- касалликларга қарши кураш олиб боради, уларни тугатиш тадбирларини кўради;
- атроф муҳит муҳофазаси, юқумли ва юқумсиз (сил, венерик ва паразитар касалликлар, юрак томир касалликлари, хавфли ўсмалар ва бошқа(лар))га қарши кураш учун халқаро стандартлар белгилаш,
- дори моддалар сифати ва қўшимча таъсири ҳамда наркотик моддалар устидан халқаро назорат ўрнатиш;
- тиббиёт фанининг энг муҳим масалалари (токсикология, фармакология, атроф муҳит гигиенаси ва бошқа(лар)) бўйича ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадқиқотларни координациялаш ва уларни ўтказишга кўмаклашиш ҳам бу муассасанинг вазифаси.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти халқаро карантин соҳасида қатор тадбирларни амалга оширади: чечак, вабо ва бошқа(лар) билан касаланиш ҳоллари тўғрисида мамлакатларга ўз вақтида хабар беради.

Ташкилот таркибига б регионал ташкилот киради. Улар ҳар бирининг ўз ижроия органлари ва регионал бюрolari бор. Унинг олий органи – Жаҳон соғлиқни сақлаш ассаблеясини мамлакатлар сайлайди, унинг сессиси йил сайин чақириб турилади. Ташкилотнинг марказий маъмурий органи – Секретариатга (штаб квартираси Женевада) генерал директор раҳбарлик қилади. Ташкилот маблағининг асосий манбаи унга аъзо бўлган давлатлардан тушадиган бадал пулидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти журналлар, бюллетенлар, номунтазам нашрлар чоп этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги биносида фаолият кўрсатади (1995 й. дан).

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғининг халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4554-

сонли қарори билан 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ тасдиқланган.

Унда қуйидагилар кўзда тутилган:

- илғор илмий тажриба ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларининг турларини кенгайтириш, шунингдек, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, замонавий объектларни ишга тушириш ҳамда мавжуд объектларнинг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш орқали фармацевтика саноатини ривожлантириш;
- ташкилотлар ва корхоналарнинг фармацевтика маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган стандартлар меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш орқали маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш;
- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун, шу жумладан хорижий фармацевтика корхоналарининг инвестициялари ва илғор технологияларини жалб этиш;
- кейинчалик дори воситалари ишлаб чиқариш учун доривор ўсимликлар хом ашёси асосида субстанциялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳаллийлаштириш;
- фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, кўпайтириш ва янги турдаги дори воситаларини ўзлаштириш ҳисобига, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш орқали фармацевтика маҳсулотлари импортини қисқартириш;
- маҳаллий корхоналарда «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти» (GMP), «Зарур фармозорат амалиёти» (GVP), шунингдек, дистрибьюторлик фаолиятида сифат ва хавфсизлик тизимини бошқариш (GDP), клиник олди (GLP) ва клиник тадқиқотларни ўтказишни (GCP) тартибга солишга қаратилган амалиётларни босқичма босқич жорий этиш;
- нархларни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш, фармацевтика маҳсулотларини маркировкалаш ва кузатиш тизимларини жорий этиш;
- замонавий халқаро талабларга мувофиқ фармацевтика маҳсулотларини яратиш, ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали миллий регулятор орган салоҳиятини мустаҳкамлаш;

- илғор хорижий тажриба асосида республиканинг фармацевтика тармоғи учун, шу жумладан дори препаратларининг биотехнологияси, дори моддаларининг кимёвий технологияси, тайёр дори воситалари ва фитопрепаратлар технологияси, фармация иқтисодиёти ва уни бошқариш, фармацевтик кимё ва микробиология каби муҳим соҳаларда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

- таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни чуқур интеграциялаш орқали ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва стандартлаштириш, фармацевтика маҳсулотларининг клиник олди ва клиник тадқиқотлари бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш ва мослаштиришга қаратилган фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотлар самарадорлигини тубдан ошириш;

- оригинал дори воситаларини, шунингдек, талаб юқори бўлган оригинал дори воситалари негизида генерик дори препаратларини (генерикларни) ишлаб чиқишга мўлжалланган замонавий ўқув лаборатория ва илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш;

2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) аҳоли касалликларининг олдини олишни, фармакотерапиянинг самарадорлиги ва юқори сифат даражасини таъминлайдиган, пировардида инсон ҳаётининг давомийлиги ва сифатини оширишга ёрдам берадиган фармацевтика секторининг барқарор фаолиятини ташкил этишга қаратилган.

Фармацевтика тармоғини ислоҳ қилиш мамлакатда дори-дармон хавфсизлигини таъминлаш, фармацевтика секторини модернизациялаш, чуқур илм талаб қиладиган ва юқори технологияли янги ишлаб чиқаришларни яратиш, фармацевтика маҳсулотлари ва хизматларининг экспортини ўстириш, илғор илмий ва технологик ишланмаларни рағбатлантириш ва ташқи бозорларга бўлган қарамликни минималлаштириш борасида кўмаклашишга қаратилган.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг моҳиятини таърифланг
2. GxP атамаси нимани англатади
3. GxP яхши амалиётлар туркумининг аҳамияти нимадан иборат?
4. Дори воситалари сифатини таъминлаш бўйича халқаро ташкилотлар

5. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғининг халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2911-сонли қарори,
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3137 сонли қарори,
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5229-сонли фармони,
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3489-сонли қарори,
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли қарори ва бошқалар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сонли «Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори
9. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.

10. Абдусатторова Х.М. “Инновация стратегияси” ўқув қўлланма – Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – 240-б.
11. Акбарходжаева З.З. “Инновацион менежмент”. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: ТДИУ. 2012. 214-б.
12. Ричард Дафт МВА Менежмент. 10-е издание..Пер. с англ.. -СПб.: Питер, 2014. -658 с.
- 13.Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
- 14.Саипова Д.Т. Фармацевтический менежмент // Курс лекций. – Ташкент, 2015. – С. 232.

IV АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Тизимли таҳлил ва унинг қўлланилиши (3с)

Ишдан мақсад: Тингловчиларда фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнига тизимли ёндашувни қўллаш бўйича назарий билимларни ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши:

1. Тизим ва тизимларнинг асосий турлари мавзусида доира схбати ташкил этиш
2. Фармацевтика ташкилотининг ташкилий тузилмасида тизим иерархиясининг тахлилини утказиш

Ишни бажариш учун маълумотлар

Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари.

Тизим - бу ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатда бўлган элементларни шундай йиғиндисики, унда улар ўртасидаги ички алоқалар қуввати ташқи алоқалар қувватидан катта ва хусусиятидан фарқли янги мужассамланган хусусиятга эга бўлган, маълум мақсадга йўналтирилган мажмуадир.

Элемент тизимнинг узвий қисми бўлиб, у ташқи хусусиятлари нуқтаи назаридан бўлинмайдиган мустақил объект деб тушунилади.

Тизимнинг қўшимча хусусиятлари:

1. Бутунлик - бирон нарса алоҳида бир бутун булмоғи учун биринчидан унинг узвий қисмлари орасидаги алоқалари шу қисмлар кўрилаётган бутунликка тегишли бўлмаган бошқа бўлимлар билан алоқаларидан кучлироқ бўлмоғи лозим. Иккинчидан эса кўрилаётган бутунликни ҳар бир бўлимдаги элементлар ўртасидаги алоқалар бўлимлараро алоқлардан кучлироқ бўлиши лозим. Бутунликнинг бу хусусияти уни бўлимларга бўлиш, ажратиш имконини беради.

2. Ташқи муҳит билан боғланишлик. Агар саноат корхонасини тизим деб олсак, у учун ташқи муҳит сифатида хом ашё, эҳтиёт қисмлар, энергия таъминловчилар, корхонанинг махсулотларини истеъмолчилари бўлади. Агар корхона ишларига об- ҳаво таъсир этадиган бўлса, унда корхона учун ташқи муҳит об - ҳаво бўлади. Ёки тескари ҳол, яъни корхона ўз фаолияти билан табиатга таъсир кўрсатса, (масалан, анхор, кўл, хавони ифлослантирса) унда табиат тизими учун корхона ташқи муҳит сифатида кўрилади.

Тизимни тахлил қилиш жараёнида уни бир неча таркибий қисмларга, яъни қуйи тизимларга бўлиш мумкин.

Қуйи тизим - бу тизимдан маълум қоидага биноан ажратилган, табиати ихтиёрий, ўзаро боғланган элементларни бир қисм тўпламидир.

Демак, ҳар қандай тизим қуйи тизимдан иборат бўлиб, уларни ҳар бирини мустақил тизим деб қараш мумкин.

Агар тизим кириш ва чиқиш йўлларига эга бўлса, яъни тизимларни маълум вақтда модда, энергия, ахборот кирғизиш ва чиқариш имконитлари мавжуд бўлса, бу тизимга таркибий объект сифатида қаралади ва бу тизимга динамик тизим деб қаралади.

Мураккаб ва оддий тизимлар

Тизимларни мураккаб ва содда тизимларга бўлиш мумкин:

- тизимнинг кўп ўлчовлилиги (ўзгарувчилар сонининг кўплиги);
- тизим элементларини ўзаро боғланиши кўплиги (бир хил ёки бир хил сатҳдаги элементларда ўзаро боғланиш);
- элементларнинг табиати хилма - хиллиги;
- илмий нуқтаи назаридан кўп боғланишлиги (тизимни турли даражада тасвирлаш зарурлиги);
- тизим тузилишини, уни ташкил қилиш усулларини, элементлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни шакллариининг хилма- хиллиги.
- тизим таркиби ва хосиятлари ўзгаришининг кўплиги (тизимнинг тузилиши, таркиби ва алоқаларнинг ўзгарувчанлиги);
- кўп мезонлик (қуйи тизимлар учун маҳаллий мезонлар ва бутун тизим учун умумий мезон, уларнинг ўзаро зиддиятлари).

Тизимларни таснифлаш.

Тизимларни таснифлаш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, қуйида мана шу омилларга кўра тизим қандай таснифланишини кўриб ўтамыз. Ҳар бир омилга алоҳида аҳамият бериб назар солсангиз, қайси тизимни ўрганаётганимиз ва унга боғлиқ бўлган омилларни дарҳол ажратишингиз мумкин.

Сунъий ва табиий тизимлар.

Табиатан мавжуд бўлган тизимлар тизимлар **табиий тизим** деб аталади.

Сунъий тизим- Инсон иштирокида иштирокида ташкил этилган этилган тизимлар сунъий тизимлар тизимлар деб аталади

Сунъий тизим деб - инсон иштирокида ташкил этилган тизимга айтилади. Сунъий тизимни тахлил қилиш тизимни ташкил этувчи барча компонентларини тахлил қилишдан бошланади, яъни тизим қандай

компонентлардан ташкил топган, унинг ички ва ташқи алоқалари қайсилар, бу тизим қайси мақсадга йўналтирилган, қаерда, қандай, нима учун фойдаланилади.

Ташкилотни бошқариш тузилмаси

Ахборот тизимини яратиш, ташкилотнинг бошқарув тузилмасини тахлил қилишдан бошланади

Бошқариш деганда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш функцияси билан, қўйилган мақсадга эришиш тушунилади:

Ташкиллаштириш – норматив хужжатлар комплекси ва ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш; штат жадвали, бўлимлар, лабораториялар ва ҳ.к.

Ҳисобга олиш – бу функция фирма ёки ташкилот кўрсаткичларининг метод ва формаларини ишлаб чиқади. Масалан; бухгалтерия ҳисоботи, молиявий ҳисоб-китоб, бошқарув ҳисоботи ва бошқалар.

Тахлил (анализ) – режалаштирилган вазифаларни қай даражада бажарилганлигини аниқлайди

Ҳар қандай ташкилотнинг бошқарув тузилмаси учта поғонага ажратилади.



Расм Ташкилотни бошқариш тузилмаси умумий кўриниши

Назорат саволлари:

1. Тизим ва унинг бошқарув жараёнидаги аҳамияти
2. Тизим элементларини таърифланг
3. Элементларнинг ўзаро алоқалари.

4. Тизимларни таснифлаш.
5. Мураккаб ва оддий тизимлар.
6. Сунъий ва табиий тизимлар.
7. Тизимларни ташкил этувчи таркибий қисмлари
8. Тизимлар қайси хоссалари билан бири биридан фарқланади?
9. Тизим таснифини барча таркиби бўйича таснифлаб беринг.
10. Табиий тизим нима?
11. Сунъий тизим нима?
12. Мураккаб ва оддий тизимлар деганда нимани тушунасиз?
13. Очиқ ва ёпиқ тизимларнинг қандай турлари мавжуд?
14. Тизим қандай таркиб бўйича гуруҳланади?
15. Қуйи тизим тушунчалари.
16. Тизимнинг ўзаро боғлиқлиги.
17. Тизимни ташкил этувчи элементлари.
18. Тизимнинг таркибий қисмлари.
19. Динамик тизим нима.
20. Тизимнинг кириш ва чиқишлари.
21. Элементларнинг ўзаро боғлиқлиги.
22. Алоқалар хилма – хиллиги.
23. Ахборот тизимларини қўллаш халқ хўжалигида қандай қулайликлар яратади
24. Бошқариш нима?
25. Тизим структураси.
26. Декомпозиция усули.
27. Композиция тушунчаси

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
2. Harry J. Rosenblatt. Systems Analysis and Design, 10th Edition. - ISBN-13: 9781285171340 .- 2014. – P.760.
3. Imboden D.M., Pfenninger S., Stürchler N. Introduction to systems analysis : mathematically modeling natural systems // Berlin ; New York : Springer, 2015.
4. Valacich J. Essentials of System Analysis and Design, 4th Edition // Joey George, Iowa State University.- 2009.- P.464.

5. Каримова В. Зайнутдинова М. Назирова Э. Садикова Ш. Тизимли тахлил асослари // Тошкент ахборот технологиялари университети, 2014.- 180б.

2-3 амалий машғулот: Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти. Фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши (6с)

Ишдан мақсад: Тингловчиларда фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнига тизимли ёндашувни қўллаш бўйича назарий билимларни мустахкамлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши:

1. Фармацевтика соҳасидаги маълум бир фармацевтик фаолият тури бўйича дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминот тизимидаги муаммоларни белгилаш ва уларнинг ечимини таклиф қилиш мақсадида тизимли таҳлилни амалга ошириш
2. Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини таъминлаш соҳасида муаммоларнинг тизимли таҳлили асосида ушбу соҳада бошқарув жараёнини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.

Ишни бажариш учун маълумотлар:

Фармацевтика фаолияти ва уни амалга оширишнинг қонуний асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги» қонунида берилган таърифга асосан **Фармацевтик фаолият** — дори воситалари ва тиббий буюмлар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни реализация қилишни қамраб оладиган фаолият.

Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;
2. дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш;
3. дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш;

4. дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;
5. дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш;
6. дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш;
7. доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш асослари

Фармацевтика фаолияти белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Республикаимизда фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикасининг “Алохида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуни ҳамда бир қатор ҳукумат қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига мувофиқ амалга оширилади. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 й. 12 майда қабул қилинган “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 284-сон қарорида батафсил келтирилган бўлиб, ушбу қарор кўрсатмаларига биноан амалга оширилади.

Бу ҳужжат иловаларида қуйидаги низомлар келтирилган:

- Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ
- Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисида низом

Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисида низом фармацевтика фаолиятининг қуйидаги йўналишлари (уларнинг қисмларини) лицензиялаш тартибини белгилайди:

- а) дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш;
- б) дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш;
- д) дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;
- е) доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб юритади) томонидан Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда марказ деб аталади) ёки Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) орқали амалга оширилади.

Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари — дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш ва дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар фақат юридик шахсларга берилади, бунда дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлашга лицензиялар фақат дорихоналарга берилади.

Фармацевтика фаолиятининг йўналиши — доривор ўсимлик хом ашёсини қадоклаш ва улгуржи реализация қилишни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимини бошқариш

Давлат дори воситаларининг асосий турларини бемалол олишни ва улар сифатли бўлишини кафолатлайди.

Тиббий мақсадда қўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан иш кўришнинг барча шакллари тақиқланади.

Тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат органларининг дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди ва амалга оширади, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга доир соғлиқни сақлаш дастурларини тасдиқлайди ва маблағ билан таъминлайди, уларнинг нархларини назорат қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласини назорат қилади, дори воситалари билан таъминлаш давлат дастурларини маблағ билан таъминлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ваколатлари:**

- давлат буюртмасини тузади ва давлат тиббиёт муассасаларида дори воситалари, тиббий буюмларнинг асосий турлари мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;
- белгиланган тартибда фармацевтика фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлайди;
- лаборатория, ишлаб чиқариш ва дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларни тасдиқлайди;
- миллий фармакопеяни тасдиқлайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати назорат қилинишини, улар рўйхатдан ўтказилиши, стандартлаштирилиши ва сертификацияланишини таъминлайди;
- наркотик, заҳарли, психотроп, радиофармацевтик (радиоактив), кучли таъсир этувчи дори воситалари ва этил спиртини сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, уларнинг захираларини ҳосил қилиш тартибини белгилайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;
- дори воситаларининг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотишни тўхтатиб қўяди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий
тузилиши**

Республикамиз фармацевтика тизимининг асосий вазифаси аҳолини ва даволаш муассасаларини сифатли дори воситалари билан таъминлашдир. Бу фаолият дори воситаларининг муомаласи қўйидаги вазифалар орқали амалга оширилади:

- дори воситаларини яратиш,
- ишлаб чиқариш,
- хориждан келтириш,

- сифатини таъминлаш,
- улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш,
- даволаш муассасаларини таъминлаш.

Ушбу вазифаларни бажарувчи ташкилотларнинг туркумланиши асосида фармацевтика тизимини қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

1. Фармацевтик саноат корхоналари
 - хорижий (ваколатхоналари асосида)
 - маҳаллий
2. Улгуржи фармацевтик ташкилотлар (дистрибьюторлар)
3. Дорихона муассасалари
4. Фармацевтика хизматининг назорат – рухсатнома тизими ташкилотлари.

Бу ташкилотлар фармацевтика бозорининг инфратузилмасини ташкил этиб, дори воситалари ва тиббий бумларнинг якуний истеъмолчиси бўлган беморларнинг талаб ва эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Фармацевтика бозорининг самарадор ва етуклиги унинг инфратузилмаси қай даражада ривожланганлигига бевосита боғлиқдир. Фармацевтика бозорида инфратузилма – бу бозордаги юқорида қайд этилган асосий субъектлар: ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, чакана савдо ташкилотлари, истеъмолчилар ва бошқалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдир. Инфратузилманинг ривожини, бир томондан бозорнинг ўсиш суръатлари билан таъминланади, иккинчи томондан ривожланиб бораётган инфратузилма бозорнинг ўсишини рағбатлантиради.

Фармацевтика фаолиятининг аниқ бир турини амалга оширишда ёки уни тартибга солишда бажарилаётган функцияларининг спецификлиги асосида фармацевтика бозори инфратузилмасининг қуйидаги асосий элементлари (субъектлари)ни тоифалаш мумкин:

1. Янги фармацевтик маҳсулотни яратувчи ташкилотлар;
2. Фармацевтик ишлаб чиқарувчи корхоналар;
3. Фармацевтик дистрибьюторлар
4. Чакана дорихона муассасалари
5. Даволаш профилактика муассасаси қошидаги дорихоналари
6. Стандартизация, сертификация ва фармацевтик маҳсулотлар сифатини назорат қилиш ташкилотлари
7. Фармацевтик фаолиятининг назорат-рухсатнома тизими ташкилотлари
8. Даволаш профилактика муассасалари
9. Ахборот – консалтинг хизмат ташкилотлари

10. Фармацевтик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширувчи таълим муассасалари

11. Дори воситалари ва тиббий буюмлар истеъмолчилари

Ушбу муассаса, ташкилот ва хизматларнинг ҳамжихатликда фаолият юритиши фармацевтика бозоридаги ўзаро муносабатлар тизимини шакллантириб, фармацевтик маҳсулотлар ва хизматларнинг оптимал муомаласини таъминлаб, фармацевтика бозори инфратузилмасини ташкил этади.

Янги фармацевтик маҳсулотларни яратувчи ташкилотлар

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари янги фармакологик воситаларни излашни, кейинчалик уларнинг хоссаларини ўрганишни, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг таркибини ишлаб чиқишни, дори моддаларини (субстанцияларни) ва дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, белгиланган тартибда клиник олди тадқиқотларни ўтказишни, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари тиббий буюмларнинг янги турларини излашни, кейинчалик уларнинг техник хусусиятларини ўрганишни, ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, тиббий буюмларнинг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Дори воситаларини яратиш ва бозорга татбиқ босқичларини таҳлил қилишда дори воситалари оригинал (инновацион) ва генерик препаратларга тоифаланишини ҳисобга олиш зарур.

Оригинал препаратлар - бу компания томонидан илк бор ишлаб чиқилган ва унинг интеллектуал мулки сифатида фақат ўзигагина тегишли бўлган дори воситаларидир. Инновацион препарат ўз таркибида янги ва бозорда аналоги бўлмаган таъсир этувчи модда сақлайди. Оригинал дори воситасининг таркибидаги фаол моддаси қонунчилик билан белгиланган тартибда патентланган бўлади. Патентнинг амал қилиш муддати тугамасидан

олдин ҳеч қайси бир фармацевтик компания унинг фаол моддасини синтез қилиши ва тижорат ва нотижорат мақсадларида қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Оригинал препарат яратиш жараёни жудаям катта харажатларни талаб қилади. Жумладан, яратилган 100 та оригинал молекуладан тижорат сотувигача 10-15% дан кўп бўлмаганлари етиб боради. Шеринг АГ компаниясининг маълумотларига кўра, битта дори воситасини яратиш ва Европа бозорига олиб чиқиш харажатлари 500 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган қийматни ташкил этади. Бунда, харажатлар таркиби куйидагичадир:

- дори воситасини ишлаб чиқиш 40%
- клиник синовлар 35%
- бозорга олиб чиқиш 20%
- рўйхатдан ўтказиш ва патент ишлари - 5%

Охирги 10 йилликда янги фармакологик бирикмаларни яратиш соҳасидаги илмий-техник тараққиёт бирмунча ўсишига қарамасдан дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш жараёни кўп вақтни олмоқда. XX асрнинг 80-йиллари бошида янги бирикмани перспектив дори воситаси сифатида тасдиқлаш ва уни рўйхатдан ўтказиш 7-9 йилни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу давр 13-15 йилни ташкил этади. Энг аввало бу дори воситаларининг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги каби параметрларига бўлган талабнинг ўсиши билан боғлиқ.

Генерик дори воситаси – бу инновацион препарат патент химоясининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг унинг таркибидаги фаол моддаси фақатгина уни ишлаб чиқарган ёки сотиш учун биринчи лицензияга эга бўлган фармацевтик компаниясининг мулки деб эътироф этилмайдиган вақтдан сўнг ишлаб чиқариладиган дори воситасидир. Генерик дори воситаси оригинал дори воситасининг фаол моддасига ўхшаш фаол моддадан иборат бўлиб, аммо ёрдамчи моддалар (восита таркибига кирувчи консервантлар сифатида қўшилган нофаол ингредиентлар, қўшимчалар, боғловчи моддалар, бўёқлар ва бошқалар) ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан фарқ қилиши мумкин. Генерик дори воситасининг бозорга кириб келиши кўп харажатли тадқиқотлар, клиник синовлар олиб боришни талаб қилмаганлиги сабабли унинг нархи оригинал препаратга нисбатан анча паст. Генерик дори воситасининг самарадорлиги оригинал препаратига нисбатан биеквивалентлик даражаси билан аниқланилади ва у охиргисининг самарадорлигига нисбатан 92-95% ташкил этиши керак.

Генериклар икки хил бўлади:

- брендланган генериклар (машҳур. таниқли савдо номларига эга) – “Упсарин”, “Пенталгин”, “Фезам” ва бошқалар;

- генерик генериклар - ХПН (Халқаро патентланмаган ном) остида сотиладиган дори воситалари - “Диклофенак”, “Ацетилсалицил кислотаси”, “Эналаприл” каби препаратлар.

Ўзбекистон Республикасида янги дори воситасини яратиш фаолияти билан асосан илмий тадқиқот институтлари (ИТИ) шуғулланади. Бу фаолият лицензиялашни талаб этади. Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қаторига А.Султонов номидаги кимё-фармацевтика ИТИ, Ўсимлик моддалари кимёси ИТИ, Биоорганика ИТИ, Тошкент фармацевтика институти, АБ Биоком компанияси ва бошқалар киради.

Мустақиллик йилларида республикада бир қатор оригинал дори воситалари яратилиб, шу билан биргаликда бозорда харидоргир бўлган генерик дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳам амалга оширилмоқда.

Дори воситаларини яратиш, уларни синаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, йўқ қилишни амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар дори воситаларининг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматга эга бўлишлари керак.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тизими

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ серияли ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичлари бўйича ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини, қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Фармацевтика бозорининг бу сектори республика аҳолиси ва даволаш муассасаларини ўз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминловчи маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан тақдим этилган.

Хорижий ишлаб чиқарувчилар. Хорижий фармацевтик корхоналари Ўзбекистон фармацевтика бозорига ўз маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва маҳсулотларини тақдим этиш мақсадида тиббиёт ваколатхонарини тузиб, уларда маркетинг хизматларини ташкил этишади. Маркетинг хизматининг мутахассислари доимий равишда бозор конъюктурасини ўрганади, товар савдоси бўйича ўз бозор улушларини оширишга ҳаракат қиладилар. Хорижий компаниянинг республикадаги узоқ муддатли истиқболли фаолиятини таъминлаш, унинг ижобий имиджини шакллантириш концепциясини ҳаётга жорий қилиш мақсадида фармацевтика

бозорининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларга катта эътибор қаратилмоқда. Айрим хорижий ишлаб чиқарувчилар маҳаллий корхоналар билан биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларида иштирок этишга киришдилар.

Ҳозирги пайтда ғарбнинг йирик компаниялари ўз ассортиментида устуворликка эга (яъни инвестиция талаб қиладиган) дори воситалари рўйхатини чеклаган ҳолда, бир ёки икки терапия соҳаси (масалан, кардиология, урология, онкология)да етакчиликка эришишни афзал кўрмоқдалар. Бунда унча устувор бўлмаган препаратлар бўйича асосиз бўлган харажатлардан воз кечган ҳолда, истеъмолчилар орасида анча аниқ мавқега эга бўлишга эришиш мумкин.

Маҳаллий ишлаб чиқариш. Ўзбекистон Республикасидаги бозорнинг ислохотлари мамлакат фармацевтика саноатининг шаклланишига асос бўлди. Ислохотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳаси, корхоналарнинг мулкчилик шакллари, фармацевтика корхоналари ва фармацевтика бозорининг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатлар тизимида намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш мақсадида ЎЗР ВМ қарорига асосан “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни (ДАК) тузилди.

«Ўзфармсаноат» ДАК вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- юкори сифатли дори воситалариларини яратиш ва татбиқ этиш
- ишлаб чиқариш технологиясини ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш
- хом ашё базасини ривожлантириш
- хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида янги корхоналарни ташкил этиш
- мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта жихозлаш.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши республикамизнинг маҳаллий фармацевтик саноатини ривожлантиришни таъминлади. Бу ривожланишга ички имкониятларни сафарбар қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида эришилди. Республикамиз мустақилликка эришишидан олдин биттагина фармацевтик ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлган бўлса, 2000 й. да корхоналарнинг сони 30 га ва ҳозирги пайтда уларнинг сони юздан ортиғини ташкил этмоқда.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун ва “Ўзфармсаноат” концернининг илмий ишлаб чиқариш потенциали сифатида фармацевтика

корхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва ташқи иқтисодий фаолият фирмаларини ўз ичига олган тузилмавий бўлимлар шакллантирилди.

Республика ҳукумати томонидан миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида GMP (Good Manufacturing Practice) талабларига жавоб берувчи янги корхоналар яратиш, маҳаллий хом ашё материалларидан фойдаланиш ва хорижий сармояларни жалб этиш кўзда тутилмоқда.

“Ўзфармсаноат” концерни томонидан “Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқаришни ва импортини ўрнини босишни кенгайтиришнинг тармоқ дастури” ишлаб чиқилди. Дастурда фармацевтика саноатини келгусида янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- замонавий дори шакллари ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида амалдаги корхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш;
- замонавий дори препаратларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш;
- маҳаллий ва хориждан келтириладиган хом ашёлар асосида субстанциялар ҳамда дори препаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш.

Бозор инфратузилмасининг шаклланиши ва фармацевтика бозорининг жадал ривожланиши хорижий инвестицияларни ушбу тармоққа жалб этиш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида қўшма корхоналарнинг яратилишини рағбатлантиради.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш етакчи фармацевтика компанияларининг тажрибаларини жалб қилишга имкон беради, GMP талаблари асосида замонавий ишлаб чиқариш корхоналарининг яратилишини таъминлайди ва бунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кафолатлайди. Қўшма фармацевтика корхоналарининг яратилиши маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмлар ассортиментининг сезиларли кенгайтишини таъминлади. Бунда асосий эътибор импорт ўрнини босувчи препаратлар ва биринчи навбатда ҳаётий зарур дори воситалари рўйхатига кирувчи препаратларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг натижалари туфайли фармацевтика секторини ривожлантириш имкониятини яратди. Бунда акционер фармацевтика корхоналари сонининг ўсиши,

мулкчиликнинг аралаш ва қўшма турлари асосида фаолият юритаётган фармацевтика корхоналарининг яратилиши, фармацевтика бизнесида хусусий секторнинг кенгайди. Ҳозирги пайтда республикада юздан ортиқ дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда.

Бошқа ҳар қандай тижорат корхоналари каби фармацевтика корхоналари ҳам фақат олинадиган фойда ҳисобига ривожланади. Ташкилотнинг даромадлигини ва муваффақиятини таъминлашда, шу жумладан сотув фаолиятида ҳам, асосан тезкор ва ишончли бозор ахборотиغا эга бўлишдир. Бундай ахборот манбалари турли-туман бўлиб, уларга жуда қиммат турувчи маркетинг тадқиқотлари, махсус маълумотлар базаси (IMS нашрлари, Drug Audit маълумотлари). Ҳамда бу маълумотларни Opinion Leaders - у ёки бу соҳадаги фикрларни шакллантирувчи (давлат муассаларининг маъсул ходимлари, ДПМларнинг мансабдор шахслари, тиббиётнинг турли соҳаларидаги етакчи мутахассислар, шунингдек, касбдошларининг фикрига таъсир ўтказувчи шифокор-мутахассислар) шахслар билан ишлаш жараёнида олиш мумкин. Аҳамиятли оператив маълумотлар олишда тиббиёт вакилларининг роли ўта муҳимдир. Улар худудда юз бераётган ҳар қандай муҳим ҳодисалар: рақобатчилар фаоллигининг ўзгариши, улар ўз дори воситалари промоциясининг янги турларини татбиқ этаётганини, соғлиқни сақлаш тизимидаги муҳим ўзгаришлар (имтиёзли дори воситалари рўйхатининг тайёрланиши, бюджет маблағларининг тақсимланишидаги ўзгариши ва б.), шунингдек маҳаллий бозорларнинг ўлчамлари ва ўзгариш тенденциялари каби маълумотлар бера олиш имкониятига эга бўлганликлари боис компанияларнинг жойлардаги “кўзлари ва қулоқлари” ҳисобланадилар. Маркетинг бўлими томонидан ўтказилган тадбирлар (симпозиумлар, доира суҳбатлари, ташқи реклама, дорихона сотувлари акциялари в.б.) самарадорлиги бўйича тиббиёт вакилларининг маълумотлари ҳам анча муҳим.

Шу тариқа, тиббиёт вакиллари ишининг асосий мақсади савдо ва фойдани кўпайтиришга қаратилган. Шифокорларга дори воситалари ҳақида маълумот бериш, тиббий жамоаларга дори воситалари ва даволашнинг янги усуллари ҳақида энг охирги маълумотларни етказиш, компания имиджини яратиш, реклама материалларини тарқатиш ва ҳоказолар фаолият мақсади эмас, бироқ мақсадга эришиш воситалари ҳисобланади. Фармацевтика компанияси тиббиёт вакилининг асосий вазифаси дори воситалари ва тиббий буюмларини шифокорлар томонидан тавсия этилишини рабатлантириш йўли билан уларни сотувидан тушадиган фойдани ошириш, шунингдек, дорихоналар ва шифохоналар томонидан ушбу дори воситаларининг харид

қилинишини рағбатлантириш. Айнан ана шу мақсад учун реклама материалларини тарқатиш, шифокорлар ҳузурига ташриф буюриш, препаратлар бўйича анжуман ва симпозиумлар ўтказиш, дорихона акциялари ва бошқа маркетинг тадбирлари амалга оширилади.

Тиббиёт вакили ишининг самарадорлигини назорат қилиш одатда, вакилнинг ўз бозорини (поликлиникалар, шифокорларни ва б.) билиши, шунингдек, мижозга етказётган маълумотлари таълим олиш жараёнида олган маълумотларига мос келиш даражасини текширишни ўз ичига олади. Бундай назорат регионал менежерлар томонидан амалга ошириладиган “иккиламчи ташриф” деб аталувчи ташрифлар жараёнида ўтказилиб, унинг асосий мақсади назорат ва жазолаш эмас, балки тиббиёт вакилига ёрдам бериш, зарурат туғилганда эса уни “майдон”даги ишида қўллаш учун амалга оширилади. Охирги маълумотларга кўра, битта ходимнинг мижозга ташрифи компания учун 20-25 АҚШ долларига тўғри келиши аниқланган (ва бу харажатлар натижага боғлиқ эмас). Ушбу харажатларга қуйидагилар киради: иш хақи, автомобилга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш харажатлари, шунингдек ташриф вақтида фойдаланиладиган материалларни (брошюралар, мақолалар тўплами, намуналар в.б) ишлаб чиқиш ва тайёрлаш.

Шу тариқа, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабни шакллантириш бўйича белгиланган мақсадга эришишни таъминловчи фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва бозорнинг бошқа субъектлари орасидаги ўзаро муносабатлар шаклланади.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси – дистрибьюцияси тизими

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ҳамда сақлаш қоидалари бўйича амалга оширилади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилардан, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи бошқа ташкилотлардан, шунингдек дори воситаларини ва тиббий буюмларни чет эллик ишлаб

чиқарувчилардан ҳамда улгуржи реализация қилувчи ташкилотлардан харид қилиш ҳуқуқига эга.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона бинолари санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бериши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона мудирлари фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Хорижий ва маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий буюмлар аҳоли ва даволаш муассаларини таъминловчи дорихона муассасаларига етиб бориши улгуржи фармацевтик ташкилотлар (дистрибьюторлар) томонидан таъминланади. Дистрибьюторларнинг асосий вазифасига қуйидагилар киради:

- фармацевтик бозорни ўрганиш ва дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

- хорижий ва маҳаллий фармацевтик корхоналар билан шартномалар тузиш

- хориждан келтирилган товарнинг божхона расмийлаштирилувини ўтказиш;

- ишлаб чиқарувчи корхоналардан товарни қабул қилиш ва жойлаштириш;

 - товарнинг сифат назоратини таъминлаш;

 - товарнинг тўғри сақланишини ташкил қилиш;

 - дорихоналар билан товарни етказиб бериш бўйича шартнома тузиш;

 - етказиб бериш жараёнини ташкил этиш, транспортировка,

 - фармацевтика бозорида ахборот таъминотини ташкил этиш.

Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун улгуржи фармацевтик ташкилотлар таркибида махсус жихозланган фармацевтик омбор бўлиши зарур бўлиб, ташкилотнинг фаолияти меъёрий хужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фармацевтик дистрибьюция тизими, яъни дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан улгуржи савдо қилиш тармоғи Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган ва бозор муносабатларининг ривожланиши бошланган пайтдан буён шаклланимоқда. Бу даврга қадар фармацевтика хизмати, шу жумладан улгуржи етказиб бериш тизими тўлиқ давлатга қарашли бўлиб, дорихоналарга дори воситалари ва тиббиётга доир маҳсулотлар етказиб берувчи ягона таъминотчи “Фармация” Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси (РИБ) бўлиб, унда марказий дорихоналар омбори ва унинг регионал филиаллари фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1994 йилдаги №132 қарори билан “Фармация” (РИБ) “Дори-дармон” давлат акционерлик ассоциацияси (ДАА) сифатида қайта ташкил этилди.

Қарорга кўра қуйидагилар “Дори -дармон” АКнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида белгиланди:

- аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;
- ҳаётий зарур дори воситалари ва тиббий буюмларига, шу жумладан гиёҳванд ва ҳисобда турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;
- “Дори -дармон” АК таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш;
- дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш.

Ушбу қарорга мувофиқ “Дори-Дармон” АК таркибига кирган корхона ва ташкилотлар рўйхати ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Ассоциация таркибига “Дори-дармон”нинг худудий бирлашмалари, “Дори-дармон” улгуржи корхоналари назорат-аналитик лабораториялар ва акционер дорихоналар кирди.

Шу билан бир қаторда мулкчилик шакли ва ташкилий шакли турлича бўлган янги улгуржи фармацевтика ташкилотлари тузиш жараёни асосида Ўзбекистон Республикасида фармацевтик дистрибьюция тизимининг жадал

ривожланиш жараёни бошланди. Ўзбекистон фармацевтика бозорида улгуржи бўғиннинг ривожланиш ҳолатидаги жадал ўсиш суръатлари ҳисобига ушбу сегментда рақобат муҳити ортаётгани кузатилмоқда. Бу эса дистрибьюторлар орасидаги рақобат ҳисобига улар томонидан ассортимент ва нарх сиёсатини оқилона шакллантиришга бўлган заруратни вужудга келтирмоқда. Кейинги йилларда йирик улгуржи компаниялар - дистрибьюторлар орасидаги рақобат янада кучайиб: нарх сиёсати ва таклиф қилинаётган дори воситаларининг ассортиментини ҳисобига сезиларли афзалликка эришишлари мураккаб бўлгандиги боис улар ўз мижозларига айнан хизмат кўрсатиш савиясини оширишга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

Ҳозирги пайтда фармацевтик дистрибуция тизимида хорижий стандартларга ўтиш ва улгуржи савдони ташкил этишда илғор технологиялардан фойдаланиш - логистиканинг замонавий тамоилларини татбиқ этиш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, товар харид қилиш ва етказиб бериш жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек маркетинг коммуникацияларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кузатилмоқда. Кейинги вақтларда йирик улгуржи ташкилотларнинг республиканинг турли ҳудудларида ўз регионал омборларини очиш йўли билан ўзининг иштирокини кенгайтириш тенденциялари кузатилмоқда. Шу тариқа, турли ҳудудларда жойлашган дорихона муассасаларига ҳудудда жойлашган кичик улгуржи ташкилотлар ёки марказлаштирилган йирик компанияларнинг филиаллари билан ҳамкорлик қилишда танлов ҳуқуқи берилади. Бу омил ҳудудларда рақобат муҳитини ривожлантириб, оптимал нарх таклифлари, шунингдек, етказиб беришнинг янада сифатли сервис шартлари асосида дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг энг яхши ассортиментини танлаш имкониятини яратади.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизими

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларининг чакана реализацияси (савдоси) қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- a.рецепт асосида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича
- b. рецептсиз - рецептсиз бериладиган дори воситаларининг тасдиқланган рўйхатига кўра.

Дорихона муассасалари жумласига дорихоналар ва уларнинг филиаллари, даволаш ва касалликнинг олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради.

Фармацевтика тизимининг асосий вазифаси бўлган беморларга хизмат кўрсатиш ва дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдосини амалга ошириш дорихона муассасаларига юклатилган. Республикамизда фаолият юритадиган дорихоналар фаолият турига кўра икки ҳил бўлади – очик турдаги (аҳолига хизмат қиладиган дорихона муассасалари) ва даволаш-профилактика муассасалари қошидаги дорихоналар (шифохона дорихоналари).

Аҳолига хизмат қиладиган дорихона муассасалари дори воситаларини шифокор рецепти бўйича ва рецептсиз сотиш ҳуқуқига эга бўлиб, таъсис этилиши бўйича улар хусусий ва акционер дорихона сифатида фаолият юритиши мумкин. Бу дорихонанинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- аҳолидан рецептларни қабул қилиш ва улар асосида дориларни бериш;
- рецепт асосида дори тайёрлашни ташкил этиш;
- тайёрланган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш;
- рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситаларининг савдосини ташкил этиш;
- аҳоли ўртасида санитария – маориф ишларини ўтказиш;
- биринчи тиббий ёрдамни ташкил этиш;
- дорихонада санитария тартибини сақлаш

Шифохона дорихоналари даволаш муассасасининг таркибида унинг бир бўлинмаси сифатида фаолият юритиб, фақат шу шифохонада даволанаётган беморларга хизмат кўрсатади. Бунда даволанаётган беморларнинг врач кўригидан кейин белгиланган дори воситалари ва даволаш жараёни учун зарур бўлган тиббий буюмлар катта хамшира томонидан белгиланган тартибда талабномага расмийлаштирилиб, дорихонага тақдим этилади. Талабномага асосан талаб қилинган дори воситалари ва тиббий буюмлар дорихона томонидан таъминланади. Дорихонага улгуржи фармацевтик ташкилотлар томонидан келтирилган барча дори воситалари ва тиббий буюмлар қиймати шифохонанинг ҳисоб рақамидан тўланади. Барча турдаги дорихоналар ўз фаолиятини меъёрий ҳужжатларнинг талабига мувофиқ олиб борадилар.

Фармацевтика бозори инфратузилмасининг чакана бўғинидаги ривожланиш даври ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1994 йилда №132 сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлиги дорихона муассаларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳақида”ги қарори билан боғлиқ. Белгиланган тартибга мувофиқ 86% дорихона муассасалари давлат тасарруфидан чиқарилди, ва уларнинг фаолияти хусусий ва акциядор мулкчилик шаклида қайта ташкил этилди. Юқорида кўрсатилган ислохотлар аҳолига хизмат кўрсатувчи дорихоналарга тегишли бўлиб, шифохона қошидаги дорихоналар фаолияти аввалги тартибда қолди.

Агар шунга қадар “Фармация” РИБ республикадаги барча дорихона тармоғини марказлашган бошқарувини шунингдек, таъминотини амалга оширган бўлса, қайта ташкиллаштирилган “Дори-дармон” ДАА фақат ўз таркибига кирган акционерлик дорихоналари фаолиятини бошқариш ваколатига эга бўлди. Ҳозирги пайтда “Дори-дармон” акционерлик компанияси ижтимоий йўналтирилган дорихоналарнинг кенг тармоғи, худудий омборхоналари мавжуд “Дори таъминоти” улгуржи савдо ташкилоти, шу билан бирга фармацевтика ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлган энг йирик кўп профилли ташкилотдир.

Кейинги даврда фармацевтика соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қўллаб қувватланиши натижасида жуда кўп миқдорда хусусий дорихоналар очилди. Ҳозирги вақтда фармацевтика бозорининг чакана бўғинида аҳолига хизмат кўрсатувчи 5000дан ортиқ хусусий ва 1250 та акционерлик дорихоналари фаолият юритмоқда.

Фармацевтика соҳасидаги модернизация жараёнлари таъсирида чакана бўғин фаолиятида ҳам янги технологияларнинг қўлланилиши кузатилмоқда, бунга дорихоналар тармоғини ташкил этиш асосида янгича хизмат кўрсатиш турларини татбиқ этиш мисолларини келтириш мумкин. Бунда дорихоналар тармоғида дорихона муассаларининг ягона вертикал бошқаруви асосида дори таъминоти, логистика, ассортимент, нарх сиёсати бўйича ягона сифат стандартини таъминлаш, мутахассисларнинг касбий даражасига ягона ёндошув, молиявий, юридик ва маркетинг хизматларини марказлаштириш имкониятлари яратилади.

Даволаш профилактика муассалари дорихоналари. Фармацевтика хизматининг асосий вазифаси аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга даволаш профилактика муассаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш вазифасини бажаради. Даволаш профилактика муассасалари – республика, вилоят, туман шифохоналари, клиникалар, тиббиёт марказлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санаторий-профилакторийлар, реабилитация марказлари ва бошқа тиббиёт муассасалари фармацевтика бозорининг госпитал сегменти (бўғини)ни ташкил этади. Бозор муносабатлари фармацевтика бозорининг госпитал сегментини дори

воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу тизим ҳозирда халқаро талабларга мос равишда босқичма-босқич ривожланмоқда, бу ислохотлар инновацион ёндошувлар асосида амалга оширилмоқда. Буларга ДПМ лар томонидан амалга ошадиган харидларда “рақобатли нархлар” асосида ўтказиладиган харидлар ёки тендер харидлари мисол бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Фармацевтика фаолияти тушунчасини таърифланг
2. Фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг қонуний асослари
3. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ташкилий тузилишини ёритиб беринг
4. Дори воситалари ва тиббий буюмларини ишлаб чиқариш тизими қандай шаклланган?
5. Дори воситалари ва тиббий буюмларининг улгуржи савдоси – дистрибуцияси тизими қандай ташкилотлардан иборат?
6. Дори ва тиббий буюмларининг чакана савдоси – дорихоналар тизимини таърифланг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
2. Абдусатторова Х.М. “Инновация стратегияси” ўқув қўлланма – Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – 240-б.
3. Акбарходжаева З.З. “Инновацион менежмент”. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: ТДИУ. 2012. 214-б.
4. Ричард Дафт МВА Менежмент. 10-е издание..Пер. с англ.. -СПб.: Питер, 2014. -658 с.
5. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
6. Саипова Д.Т. Фармацевтический менежмент // Курс лекций. – Ташкент, 2015. – С. 232.

4-5 амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг назорат рухсатнома тизимидаги ислохотлар (6с)

Ишдан мақсад: Фармацевтика тизимининг назорат рухсатнома тизимидаги ислохотлар билан танишиш, ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини таъминлаш соҳасида муаммоларнинг тизимли таҳлили бўйича назарий билимларни мустахкамлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши:

1. Фармацевтика тизимининг назорат рухсатнома тизимидаги ислохотларнинг босқичлари схемасини тузиш
2. Фармацевтик маҳсулотларни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат бериш учун уларни қайд этиш тизимини тасвирлаш

Ишни бажариш учун намуна:

Фармацевтика тизимида муомалада бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган маҳсулотдир, чунки у самарали, сифатли ва безарар бўлиши керак. Шу сабабли фармацевтика хизматидаги назорат – рухсатнома тизими ташкилотларининг фаолияти ушбу талабларнинг бажарилишини назорат қилишга қаратилган. Уларга дори воситаларини стандартлаштириш, сифатини назорат қилиш, сертификатлаштириш каби вазифаларни бажарувчи муассасалар, ҳамда фармацевтика фаолиятини лицензиялаштириш ва фармацевтика фаолиятининг назоратини ўтказиш идоралари киради.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика хизматининг назорат-рухсатнома тизими - дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, тиббий-профилактик ва тиббий-косметик воситаларнинг сифатини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини белгиловчи ташкилий тузилмадир.

Назорат рухсатнома тизимининг вазифаси – дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг фармацевтика амалиётида ишлатиш учун рухсат бериш ва тадбиқ этиш босқичида тўлақонли ўрганилишини таъминлаш, корхоналар томонидан сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ёки мамлакатга хориждан олиб келиниши, сақланиш ва сотиш (тарқатиш) шароитларининг бузилиши билан боғлиқ нохуш оқибатлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилишдир.

Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида уларнинг сифатини таъминлашга бўлган талаблар доимий равишда ўсиб

боришининг сабаби воситаларнинг сифати уларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги билан узвий равишда боғлиқлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, дори воситалари сифатининг таъминланиши ҳар бир бемор ва бутун бир жамиятнинг хавфсизлиги таъминланишининг кафолатидир.

Фармацевтика маҳсулотлари, даволаш озик-овқатлари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги №181-сон Қарорига мувофиқ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси (ДВ ва ТТСНББ) ташкил этилди.

ДВ ва ТТСН Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052 сон “Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 17 августдаги 462-сон “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига биноан қайта ташкил этилиб “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” (ДВТБТТЭваСДМ) Давлат унитар корхонаси (ДУК) ҳуқуқий мақомини олди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси ҳисобланиб, ўзининг фаолиятида ҳукумат фармонлари, қонунлар, қарорлар, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияномаларига вазирлик буйруқ ва йўриқномаларига амал қилади.

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Дори воситалари, тиббиёт буюмлар ва тиббий техника сифатининг давлат назоратини ташкил этиш ва стандартлаштириш;
- Дори, профилактика ва диагностика воситаларининг экспертизасини, клиникагача ва клиник синовларини, ҳамда тиббий техника ва тиббиёт буюмларининг клиник ва техник синовларини ташкил этиш.
- Дори, профилактика ва диагностика воситалари ва буюмларига оид меъёрий-техник ҳужжатлар - фармакопея мақолалари (ФМ), вақтинча фармакопея мақолалари (ВФМ), спецификациялар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш ва экспертизасини ташкил этиш.
- Маҳаллий ва хорижий дори, профилактика, диагностика воситалари, тиббий техника, тиббиётда қўлланиладиган буюмларни сертификатлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
- Давлат фармакопеяси, Давлат реестри ва бошқа меъёрий ҳужжатларни нашр этишга тайёрлаш ва чоп этилишини ташкил этиш.

- Дори воситаларининг муомаласи соҳасида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларга илмий-услубий хизматлар кўрсатиш.

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси (ДВТБ ТТЭС) давлат марказининг таркибий тузилмалари

Давлат Маркази таркибида кўйидаги кўмиталар фаолият юритади:

- Фармакология кўмитаси;
- Фармакопея кўмитаси;
- Гиёҳвандлик воситалари назорати кўмитаси
- Янги тиббий техника кўмитаси

Шу билан бирга Давлат маркази тузилмасида фармацевтик назорат бўлими, дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмларни қайд этиш бўлими, ахборот-тахлил бўлими, метрология, матбаа бўлими, фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бўлими, тиббий махсулотни сертификатлаштиришнинг марказий органи каби бўлинмалар мавжуд.

Давлат маркази лабораториялари ISO 17025 халқаро стандарти ва Ўзбекистон давлат стандартига мувофиқлиги бўйича аккредитациядан ўтган бўлиб, сифат менежменти тизимини йилдан-йилга такомиллаштириб боришмоқда.

ДВТБ ТТЭС Давлат маркази таркибида кўйидаги бўлимлар мавжуд:

- Дори воситаларини сифат назорат қилиш ва стандартлаштириш лабораторияси;
- Фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси;
- Вакцина, зардоб воситалар ва микробиологик тадқиқотлар лабораторияси;
- Тиббий техника сифатини назорат қилиш лабораторияси;
- Илмий-услубий ва ахборот бўлими.

Давлат маркази лабораториялари дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш учун АҚШ, Германия, Буюк Британия каби давлатларнинг етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ускуналари билан жиҳозланган, Дори воситаларини сертификатловчи орган ҳисобланади. Андижон, Самарқанд, Ургенч ва Қарши шаҳарларида Давлат марказининг филиаллари мавжуд.

Давлат маркази лабораториялари дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказди; норматив ҳужжатларни баҳолайди, дори воситалари ва тиббий буюмлар намуналарининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш

бўйича синовлар ўтказди; синов баённомаларини, дори воситалари ёки тиббий буюмлар ҳужжатларини Фармакопея, Фармакология ва Янги тиббий техника қўмиталарига тақдим этади.

Ҳозирги кунда лаборатория юқори самарали суюқлик, газ, газ-суюқлик хроматографлари, шунингдек, хроматомас, ультра бинафша ва инфрақизил спектр фотометрлари ва бошқа замонавий ускуналар ҳамда асбоблар билан жиҳозланган. Ушбу жиҳозларда дори воситаларининг таҳлилини ўтказиш Европа ва Американинг ривожланган мамлакатлари, шунингдек Япония каби давлатлар халқаро фармакопея стандартлари даражасида йўлга қўйилган. 2017 йилда марказ лабораторияларида дори воситалари ва тиббий буюмларнинг 50000 яқин синов ва таҳлиллари ўтказилди.

Вакцина, зардоб препаратлари ва микробиологик таҳлил лабораторияси тиббий маҳсулотларни микробиологик, биологик ва иммунологик кўрсаткичлар бўйича сифат назоратини амалга оширишга ихтисослаштирилган бўлиб, иммунофермент тест системалари каби ташхис воситаларининг синовлари учун иммунофермент анализаторлари билан ҳам жиҳозланган бўлиб, у иммунофермент тест системалари каби ташхис воситаларининг синовлари учун амалга ошириладиган асосий ўлчов воситаларидан бири ҳисобланади.

Иммунофермент услуги бугунги кунда иммунология соҳасида кенг фойдаланиладиган усуллардан бири сифатида тиббий иммунологик препаратлар сифатини назорат қилишда кенг қўлланилмоқда. Фармакотоксикологик таҳлил лабораторияси томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларни фармакотоксикологик кўрсаткичлари бўйича сифат назорати ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатга олиш, сертификатлаш ва давомий назорат синовлари амалга оширилади. Лабораторияда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг бактериал эндотоксинлар кўрсаткичлари бўйича синовларни ўтказиш учун алоҳида махсус жиҳозланган хона ажратилган. Бу синовлар махсус ламинар шкаф ичида микроорганизмлардан холи ҳаво оқими остида амалга оширилади. Фармакотоксикологик таҳлил лаборатория ходимлари томонидан дори воситаларининг гистаминга ҳос таъсирини инвитро усулида амалга ошириш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу услуб Германияда ишлаб чиқарилган ноёб ускуна ёрдамида ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб қўлланилмоқда. Лабораторияда ушбу усулни йўлга қўйилиши дори воситаларининг ноҳуш таъсирларидан бири бўлган, аллергия чақириш омилларини тезкор аниқлаш ва ушбу синов натижалари асосида аллергия чақирувчи дори воситаларининг сараланиш имкониятини яратди.

Фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораториясида дори воситалари ва тиббий буюмларнинг биологик хавфсизлиги ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида клиника олди тадқиқотлари амалга оширилади. Бугунги кунда лаборатория томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тадқиқотлари ва синовлари “Яхши лаборатория амалиёти” (GLP) O‘zDSt 2762:2013 Ўзбекистон давлат стандарти талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Ўтган давр давомида лаборатория томонидан дори воситаларининг самарадорлигини аниқлашнинг 70 дан ортиқ усули йўлга қўйилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун лабораторияда юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатиб, барча синовлар ва тадқиқотлар замонавий синов ва ўлчов воситалари ўрдамида амалга оширилади. Бугунги кунда лабораториянинг синов ва ўлчов воситалари парки 20 дан ортиқ замонавий воситани ташкил этади.

Маълумки, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири тадқиқот ва синовларда ҳайвонларни қўллашни камайтиришдир. Ташкил этилганининг биринчи кунларидан бошлаб лаборатория томонидан ҳайвонларда ўтказиладиган синовларни “in vitro” шароитида ўтказиладиган синовларга алмаштириш устида фаолият олиб борилди. Шу муаммони ҳал этишни кўзлаган ҳолда, дори воситаларининг қуёнларда амалга “Пирогенлик” кўрсаткичи бўйича синовлари “in vitro” шароитида амалга ошириладиган “Бактериал эндотоксинлар” кўрсаткичи бўйича синовларга алмаштирилди. Бугунги кунда 90% дан ортиқ инъекцион дори воситаларининг синовлари «Бактериал эндотоксинлар» кўрсаткичи бўйича амалга оширилади.

Бу борадаги изланишларни давом эттириб, дори воситалари таркибида гистаминга хос таъсир этувчи моддаларни аниқлашнинг “in vivo” шароитида ўтказиладиган синовлари бугунги кунда лаборатория томонидан “in vitro” шароитида амалга оширилмоқда. Ушбу синовлар Америка Қўшма штатларининг «World precision instruments, Inc.» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган махсус аппаратда амалга оширилиб, ушбу синов воситаси Ўзбекистонда яғонадир.

Фармакология қўмитаси

Фармакология қўмитаси дори воситаларни тиббиёт амалиётида қўллаш учун уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини эксперт баҳолашни амалга оширувчи бўлинмадир. Фармакология қўмитасида дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишга рухсат бериш, экспертизаси, уларни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат бериш, шифокор рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тузиш ва мунтазам равишда янгилаб

туриш каби ишлар олиб борилади. Фармакология кўмитаси таркибида дори воситаларни тиббиёт амалиётида қўллаш даврида уларнинг ножўя таъсирлари мониторингини амалга ошириш бўйича гуруҳ тузилган. Мазкур йўналишда дори воситалари ҳавфсизлигининг мониторинги бўйича ЖССТ Халқаро Маркази (Упсала, Швеция) билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дори воситасининг *клиникагача синови* унинг фармакологик таъсирини (дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари) ўрганиш, шу жумладан тажриба хайвонларида синаш ва дори шаклини яратиш мақсадида ўтказилади. Клиникагача синовнинг асосий мақсади дори воситасининг етарли равишда самарадорлигини ва организмга бўлган ножўя таъсирлар даражасини аниқлашдир.

Клиник синов – дори воситаси самарадорлиги ва хавфсизлиги беморларда аниқланиши ёки тасдиқланишидир, бу синовлар фармакология кўмитасининг клиник базаларида шартнома асосида ўтказилади. Клиник синовларни ўтказиш тартиби ва босқичлари ЎзР ССВ нинг 2001 йил 25 июль 334-сон буйруғига биноан тасдиқланган.

Клиник синовнинг I босқичи – дори воситасининг хавфсизлигини дастлабки баҳолаш ҳамда унинг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини розилик билдирган катта ёшлик беморларда ўрганиш асосида даволаш дозаларининг бошланғич схемасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг II босқичи дори воситасининг терапевтик самарадорлигини ва қисқа муддатдаги хавфсизлигини баҳолаш, муқобил терапевтик дозаларни, самарадорликнинг дозаларга боғлиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Клиник синовнинг III босқичи одатда дори воситаси қайд этилгандан сўнг ўтказилиб, бунда унинг терапевтик самарадорлиги ва хавфсизлиги тасдиқланиб, узоқ муддатли нохуш ёки бошқа касалликларга боғлиқ таъсирлари аниқланади.

Клиник синовнинг IV босқичи дори воситасининг бозордаги муомаласи бошлангандан сўнг ўтказилади. Бу синовларнинг мақсади – дори воситасининг терапевтик аҳамиятини, унинг келажақдаги қўлланиш стратегиясини белгилаш, ҳамда ножўя таъсир доираси, бошқа дорилар билан мутаносиблиги бўйича қўшимча маълумотлар олишдир.

Фармакопея кўмитаси

Фармакопея кўмитаси дори, диагностика ва профилактика воситалари, шунингдек фармацевтикада ишлатиладиган ёрдамчи воситаларни,

стандартларни экспертизадан ўтказувчи, амалиётга жорий этилишини таъминловчи бўлимдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармакопея қўмитаси вазирликнинг 1992 йил 14 апрелидаги 227-сон буйруғига биноан Тошкент фармацевтика институти қошида ташкил этилди. 1994 йил 22 июлида “Ўзфармсаноат” Давлат-акционерлик концерни тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сон “Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан Фармакопея қўмитаси “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни ихтиёридан қайта Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тасарруфига ўтказилди ва шу кунга қадар Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси таркибида фаолият юритмоқда.

Фармакопея қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- дори, диагностика, профилактика воситаларини яратувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган меъёрий-техник хужжатлар (МТХ) лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, уларнинг сифатини талаблар даражасига кўтариш ва тасдиқлаш учун тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясини чоп этишга тайёрлаш;
- Дори ва ёрдамчи воситаларга қўйиладиган умумий стандарт талаблари ва назорат усулларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;
- Республикадаги дори воситалари назорат-таҳлил лабораториялари, дорилар муомаласига алоқадор бўлган ташкилот ва муассасаларни МТХлар билан таъминлаш;
- Дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, сифат назоратини амалга ошириш, сақлаш бўйича бошқарув хужжатлари ва йўриқномаларни тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш.

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси - гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекорсорлар ноқонуний муомаласининг олдини олиш бўйича фаолият олиб боровчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ҳисобланади.

Қўмитанинг вазифалари:

- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекорсорларга оид меъёрий хужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

- 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциялари тавсияномаларига мос равишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар рўйхатини кўриб чиқишда қатнашади;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомаласи устидан назорат қилишни таъминлайди; вазирликлар, ташкилотлар буюртмалари асосидаги тиббиёт ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат қилади;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш бўйича ҳуқуқий шахсларнинг аризаларини кўриб чиқади;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Республикадан олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар экспертизасининг янги усуллари баҳолашда қатнашади;
- Ўзбекистон Республикасининг гиёҳванд воситаларга бўлган эҳтиёжини жамлайди ва БМТ нинг гиёҳвандлар назорати қўмитасига квота ажратиши учун юборилади;
- БМТ нинг гиёҳвандлик воситалари муомаласи бўйича ҳалқаро гиёҳвандлар назорати қўмитасига Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

Янги тиббий техника қўмитаси - Республикага олиб кириладиган ва Республикада яратилган янги тиббий техникани таҳлил ишорасини амалга ошириб, қайд этиш рухсатномасини тайёрлайди, бу қўмита ишида тиббий техника жиҳозлари ва маҳсулотлари сифатини назорат қилиш лабораторияси ёрдам беради.

Матбаа бўлими – Республикада фармацевтика соҳаси бўйича илмий – амалий янгиликларни мазкур соҳа мутахассисларига ва аҳолига етказиш билан шуғулланади. Ушбу вазифалар “Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси” ва ҳар йили бир марта чиқариладиган “Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат реестри”ни тайёрлаш ва чоп этиш йўли билан амалга оширилади.

Сертификатлаштириш сектори тиббиёт буюмлари ва дори воситаларига мувофиқлик сертификатини беради.

Хозирги кунда истеъмолчилар ҳуқуқини химоя қилиш аҳолини сифатли, безарар тиббий техника, ускуналар ва тиббий буюмлар ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ягона Давлат сиёсати қўллаб-қувватланиб, тиббий маҳсулотларни сифатини назорат қилувчи, мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўлган, замонавий асбоб-ускуналар ва малакали мутахассислар билан таъминланган тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш органи ва республиканинг тўрт худудлари: Андижон, Урганч, Самарқанд, Қарши шаҳарларида Давлат Маркази шўъба корхоналарининг сертификатлаштириш органлари фаолият кўрсатмоқда. Бу сертификатлаштириш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Узстандарт агентлиги кенгашининг Қарори билан бизнинг идорамизга Марказий сертификатлаштириш идораси мақоми берилган.

Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази қошидаги сертификатлаштириш идораси 1996 йил Узстандарт агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган бўлиб хозирги кунда фаолият юритиб келмоқда. Сертификатлаштириш органлари Халқаро аккредитацияловчи ташкилот “ТуркАК” томонидан EN 45011-рақамли халқаро стандарти талаблари асосида аккредитациядан ўтган. 2017 йилда эса ISO/IEC халқаро стандарти талаблари асосида қайта аккредитациядан ўтди.

Сертификатлаштириш идораси томонидан дори воситаларига берилган мувофиқлик сертификатлари Халқаро савдо ташкилотига аъзо булган 70 дан ортиқ ривожланган мамлакатларда тан олинади. Шу сабабли экспортга чиқариладиган маҳаллий дори воситалари ушбу давлатларда қайтадан сертификатлаштиришдан ўтмайди. Бу албатта экспорт салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этади.

Метрология бўлими – сертификация бўлимига синов ўтказиш учун топширилган тиббий буюмлар ва техниканинг меъёрий ҳужжатларга мослигини синовлар асосида текширади.

Рўйхатдан ўтказиш бўлимида хорижий ва маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмларни тиббиёт амалиётида қўллаш учун уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш жараёни амалга оширилиб, буюртмачиларга дори воситаси ёки тиббий буюмни рўйхатдан ўтказганлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун бўлимга тақдим этилган ҳужжатлар ва тегишли намуналар белгиланган тартиб бўйича қабул қилинади.

Рўйхатдан ўтказиш бўлими дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ишларини белгиланган тартибда тегишли бўлимлар билан ҳамкорликда олиб боради.

Назорат саволлари:

1. Фармацевтика фаолиятининг назорат рухсатнома тизими, унинг вазифалари ва аҳамиятини таърифланг
2. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлигининг тузилиши ва вазифаларини таърифланг.
3. Фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси функциялари нимадан иборат?
4. Дори воситалари ва тиббий буюмлар экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази қандай тузилишга эга ва қандай вазифаларни бажаради?
5. Фармакология ва Фармакопея қумиталарининг функциялари нимадан иборат?
6. Гиёҳвандлик воситалари назорати Қўмитаси қандай вазифаларни бажаради?
7. Янги тиббий техника Қўмитаси функциялари нимадан иборат?
8. ДВТБЭС Давлат Марказининг ташкилий бўлинмаларини санаб беринг

Фойдаланилган адабиётлар

7. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
8. Robert J. Taylor, Susan B. Taylor. The AUPHA Manual of Health Services Management. Gaithersburg, Maryland. Aspen Publishers, Inc. 1994. – 652 p.;
9. Абдусатторова Х.М. “Инновация стратегияси” ўқув қўлланма – Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – 240-б.
10. Акбарходжаева З.З. “Инновацион менежмент”. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: ТДИУ. 2012. 214-б.
11. Ричард Дафт МВА Менежмент. 10-е издание..Пер. с англ.. -СПб.: Питер, 2014. -658 с.
12. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
13. Саипова Д.Т. Фармацевтический менежмент // Курс лекций. – Ташкент, 2015. – С. 232.

6 - амалий машғулот:

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тизимининг ривожланиши ва халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграцияси

Ишдан мақсад: Тингловчиларда фармацевтика соҳасида бошқарув жараёнидаги инновацион ислохотлар бўйича назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши:

Халқаро эътироф этилган дори воситаларини таъминлаш тизимининг схемасини тузиб, Ўзбекистон Республикасида уни жорий этиш ва такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.

Ишни бажариш учун маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги [ПФ-5707-сон](#) «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги [788-сонли](#) «Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бугунги кунда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллий корхоналарда “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” (GMP), “Яхши фармназорат амалиёти” (GVP), шунингдек, “Яхши дистрибьюторлик амалиёти (GDP), Яхши лаборатория амалёти (GLP) ва “Яхши клиника амалиёти” (GCP) тартибга солишга қаратилган амалиётларини жорий этиш жараёни босқичма босқич олиб борилади.

Фармацевтика тармоғига Зарур тарздаги амалиётларни жорий этиш аҳолини хавфсиз, сифатли маҳсулот билан таъминланишига олиб келиб, республикада маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларини чет эл давлатларига экспорт қилишга кенг йўл очиб беради.

GxP нинг асосий мақсади нима? Оддий қилиб айтганда, бу маҳсулот ва хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар тўплами.

Аниқроқ қилиб айтганда, GxP тартибга солинадиган соҳаларни жуда аниқ ва хавфсиз ишлаб чиқариш жараёнларига ва сақлаш тартиб-қоидаларига

риоя қилишга мажбур қилади, одам иштирокида хавфсиз клиник тадқиқотларни таъминлайди, ҳамда клиник бўлмаган лаборатория синовлари учун самарали тадқиқот стандартларини ўрнатади.

GxP ғоят самарали ва амалий ҳужжатларга эътибор қаратади.

Ушбу атамалар GxP контекстида нимани англатади?

Бу маълум маҳсулот ёки тадқиқот учун бутун қисми ёки турли хиссаларни аниқ бир таърифини англатади. Барчаси, шу жумладан ким ҳисса қўшгани ва ушбу хиссаларнинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар ҳужжатлаштирилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичи ҳам ҳужжатлаштирилади.

Шундай қилиб, ҳар қандай маҳсулотнинг келиб чиқишини кузатиб бориш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар бир ораликни текшириш осонлашади.

2020 йилнинг 1 декабр санасидан Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом кучга кирди (<http://lex.uz/docs/4520726>).

Фармацевтикада GxP концепцияси: бу фармацевтика соҳасида қўлланиладиган ва барча илғор усуллар учун умумий атама сифатида ишлатиладиган машҳур концепция.

Фармацевтик препаратлар учун GxP талаблари концепцияси АҚШнинг Озиқ-овқат ва дори воситалари бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу атаманинг ўзи турли соҳаларда жуда кўп турли хил қоидаларни ўз ичига олади.

Хўш GxP ўзи нима ва бу стандарт нимани англатади?

Бу қисқартмадаги G «зарур» маъносини, P эса «амалиёт»ни англатади. Ўрта қисмдаги X - бу қисқартиришни тегишли равишда тўлдирадиган ҳар қандай сўз билан алмаштирилиши мумкин бўлган ўзгарувчидир.

GxP бир қатор зарур амалиётларни ўз ичига олади:

GLP - зарур лаборатория амалиёти;

GCP - зарур клиник амалиёт;

GMP - зарур ишлаб чиқариш амалиёти;

GSP - зарур сақлаш амалиёти;

GDP - зарур дистрибьюторлик амалиёти;

GPP зарур дорихона амалиётидир

1. “Зарур дистрибьюторлик амалиёти” (GDP) – фармацевтика маҳсулотларини улгуржи фаолияти билан шуғулланадиган мутахассислар учун мўлжалланган ва фойдаланувчиларга Яхши дистрибьюторлик амалиёти бўйича;

2. “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти” (GMP) – дори воситалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар мутахассислари учун мўлжалланган ва фойдаланувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти бўйича;

3. “Зарур клиника амалиёти (GCP) - шифокорлар учун мўлжалланган-даволаш-профилактика муассасалари тадқиқотчилари, фармацевтика ходимлари ва фойдаланувчиларга Яхши клиник амалиёт бўйича;

4. “Яхши лаборатория амалиёти” (GLP) - илмий-тадқиқот лабораториялари марказлари ходимлари ва институтлари фойдаланувчиларига Яхши лаборатория амалиёти бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [ПҚ-4554-сонли қарори](#) билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан ГхР “Зарур фармацевтика амалиёти” қоидаларини жорий қилиш бўйича Агентликнинг Халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси ва [“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази”](#) мутахассислари билан ҳамкорликда расмий методик қўлланмалар яратилиб, нашр қилинди. Мазкур қўлланмалар тегишли корхона ва ташкилотларга “Зарур фармацевтика амалиёти” қоидаларини жорий этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги [ПФ-5707-сон](#) «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг моҳиятини таърифланг
2. ГхР атамаси нимани англатади
3. ГхР яхши амалиётлар туркумининг аҳамияти нимадан иборат?
4. Дори воситалари сифатини таъминлаш бўйича халқаро ташкилотлар
5. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғининг халқаро фармацевтика ташкилотлари тизимига интеграциясини таъминлаш йўналишларини кўрсатиб беринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.

2. Абдусатторова Х.М. “Инновация стратегияси” ўқув қўлланма – Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – 240-б.
3. Акбарходжаева З.З. “Инновацион менежмент”. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: ТДИУ. 2012. 214-б.
4. Ричард Дафт МВА Менежмент. 10-е издание..Пер. с англ.. -СПб.: Питер, 2014. -658 с.
5. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услубий кўрсатмалар тўплами. – Т., 2011. – Б.185.
6. Саипова Д.Т. Фармацевтический менежмент // Курс лекций. – Ташкент, 2015. – С. 232.

V КЕЙСЛАР БАНКИ

1- КЕЙС

Маълумки, фармацевтика корхонаси, бошқа ҳар қандай корхона каби, маркетинг бўлими ва маркетинг тадқиқотлари гуруҳини ташкил қилмасдан фаолият кўрсата олмайди. Шу сабабли фармацевтика корхонасининг президенти иқтисодий масалалар бўйича вице-президентга корхона маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш, маркетинг бўлими бажариши лозим бўлган функцияларни ҳисобга олган ҳолда бўлим учун кадрларни танлаб олиш вазифасини топширди.

Ўз навбатида вице-президент маркетинг бўлими раҳбарига бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш, бўлим фаолияти турларини аниқлаш ва бундан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаш вазифасини топширди:

1. Бўлимни бошқариш тузилмасини ишлаб чиқиш.
2. Кадрларни танлаш ва ўқитиш.
3. Маркетинг бўлимида ички фаолият турларини аниқлаш.
4. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш, материал сарфи ва юклама харажатларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш.
5. Товар заҳиралари ва уларнинг айланмаси тезлиги, товар заҳираларини назорат қилиш усулларини таҳлил қилиш.
6. Режалаштириш ва назорат мақсадида маркетинг тадқиқотлари бюджетини ишлаб чиқиш:
 - ◆ бюджетни ишлаб чиқиш мақсадлари;
 - ◆ бюджетни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш;
 - ◆ кўшма корхонанинг бошқа бўлимлари билан маркетинг бўлимининг алоқаси;
 - ◆ касса бюджети ва ундан нақди пулни бошқаришда фойдаланиш.
7. Капитал харажатлар режасини баҳолаш:
 - ◆ ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига қўйилмалар ҳажми;
 - ◆ капитал харажатларни режалаштириш;

- ◆ капитал қўйилмалар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар;
- ◆ капитал харажатларни тежашни баҳолаш усуллари.

8. Корхонанинг маркетинг фаолияти ҳақида ҳисобот тузиш жараёнини ишлаб чиқиш. Вазиятли масалани қўшма корхонанинг маркетинг бўлими ва экспертлар йиғилишида кўриб чиқиш ҳамда унинг фаолияти бўйича маркетинг тадқиқотлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Вазиятни таҳлил қилиш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш учун 24 соат вақт ажратилади.

Мазкур вазиятни аниқлик киритинг. Ўқитувчи мазкур вазиятда қандай йўл тутиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, ўқитувчи қатъий равишда ўз нуқтаи назарини сақлаб қолиши керакми, ёки толерант ёндашув асосида уларга сўраган баҳосини қўйиб бериши лозимми?

Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услубий кўрсатмалар

Иш босқичлари ва вақти	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) – 3 дақиқа	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишланганлигини аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик гуруҳларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни гуруҳ билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш – 7 дақиқа	Гуруҳ билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4. Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик гуруҳларда) – 5 дақиқа	Гуруҳ билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам

бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

**Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма
намунаси**

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа

2-топшириқ. Қуйидаги жадвалда кейсдаги аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бироқ жадвалнинг иккинчи қисмида маслаҳат ва тавсиялар қайд этилмаган. Сиз жадвални ниҳоясига етказинг.

Иш босқичлари ва вақти	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) - 3 дақиқа	
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик гуруҳларда) - 5 дақиқа	
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш - 7 дақиқа	
4. Кейс эчими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик гуруҳларда) - 5 дақиқа	

**Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма
намунаси**

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа

2- КЕЙС

Самарали фаолиятни ташкил қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун кадрлар бўлими раҳбари фирма президентида корхонани малакали ходимлар - маркетинг тадқиқотчилари билан таъминлаш вазифасини олди.

Янги ходимлар бўлими функциялари бошқа анъанавий фаолият кўрсатувчи ходимлар бўлими функцияларидан фарқ қилишини ҳисобга олиб, президент белгиланган вазифаларни аниқ қилиб қўйди:

1. Кадрлар бўлими бошқарув тузилмасини тасдиқлаш ва маркетинг тадқиқотчиларининг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш.

2. Ходимларни танлаш ва жойлаштириш тамойилларини, ходимлар малакасини ошириш тизимини, корхонанинг маркетинг тадқиқотлари учун зарур кадрлар билан таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш.

3. Бунинг учун қуйидагиларни аниқлаш:

- ◆ кадрларга бўлган талаб;
- ◆ касб тайёргарлиги даражаси;
- ◆ меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси.

4. Корхона жамоасида маънавий-психологик муҳитни шакллантириш услубиятини ишлаб чиқиш.

5. Корхона маркетинг тадқиқотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш.

6. Амал қилаётган иш билан таъминлаш тизимига баҳо бериш ҳамда корхонани маркетинг тадқиқотлари хизматчилари билан таъминлашнинг ички ва ташқи манбаларини аниқлаш.

Президентдан топширини олгач, ходимлар бўлими раҳбари бир қатор вазифаларни бевосита функционал бўлинмаларга топширди. Бунда у киритилувчи таклифлар муҳокама учун ходимлар бўлими Кенгашига киритилиш лозимлигини айтиб ўтди.

Юқорида келтирилган вазиятга аниқлик киритинг. Аниқ вазиятда акс этган асосий муаммо ва кичик муаммоларга ойдинлик киритинг.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Тингловчи шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Тингловчи (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Тингловчи (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Тингловчи шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Тингловчи (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Тингловчи (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

VI ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Таҳлил	Тадқиқот объектининг алоҳида таркибий қисмларини ажратиш ва ўрганишга асосланган тадқиқот усули	Mental or real division of the object into elements, a comparison of elements, objects or events in one or another sphere of reality, a study by dissection and comparison, research method
Тадқиқот аспекти (соҳаси)	Муаммони ўрганиш қирраси, уни ақс эттириш томонларидан бири (масалан, ташкилий, ижтимоий, психологик)	The brink of studying the problem, one of the parties of its manifestations (eg, organizational, social, psychological aspects)
Декомпозиция	Тадқиқот усули бўлиб, бир бутунни асосланган ҳолда таркибий қисмларга бўлиш бўлиб, бу таҳлил яхлитликнинг критерийларига асосан амалга оширилади. Таснифлашдан шу билан фарқланадики, бунда тақсимлаш предмети умумийлик эмас, яхлитлик ҳисобланади.	research method, which consists in the reasonable division of the whole into parts according to the criteria of functional joining parts into a whole, the content of the criteria of the whole. It differs from the classification of the fact that the subject of the division is not common phenomena, and integrity of their existence
Фаолият	Инсоннинг бирон бир мақсадга эришиш йўлида онгли равишдаги хатти ҳаракатлари	The totality of conscious human action for the achievement of any goal.
Қонуният	Барқарор равишдаги ўзгаришлар тенденцияси, ҳодисаларнинг ўзгаришини белгилайдиган объектив боғлиқлик.	stable trend changes, the objective connection of phenomena, determine their changes.
Ташқи мотивация	Даражаларни қўлга киритган, ташқи мукофотлар билан	Typifies students who are concerned with the grades they achieve, external

	<p>тақдирланган тингловчиларга алоқадор бўлиб, у(тингловчи)ларнинг ўзгалар томонидан маъқулланиши ёки маъқулланмаслигини билдиради. (шунингдек эришиш (ёки ютуқ) мотивацияси ва ички мотивацияга ҳам қаранг</p>	<p>rewards, and whether they will gain approval from others (see also achievement motivation, intrinsic motivation).</p>
Инновациялар	<p>Инсонларнинг янгиликларга, ривожланишга, модернизацияга, реконструкцияга, такомиллаштиришга, ислохотларга бўлган эҳтиёжини ақс эттирадиган янгиликларни излаш, аниқлаш ва ихтиро қилиш.</p>	<p>Search, identification and implementation of various innovations, innovations in human activities, reflecting its need for change, development, modernization, reconstruction, improvement, reform and so on.</p>
Менеджер	<p>Бозор иқтисодиёти шароитида профессионал бошқарув фаолиятини амалга оширувчи инсон. Ваколатларига ёки етакчилига таянган ҳолда ҳамкорликдаги фаолиятни келиштиришда бошқарув қарорларини қабул қилувчи шахс</p>	<p>persons performing professional administrative activity in conditions of market economy; the decision maker in coordination of joint activities in the group and organizing the implementation of this decision on the basis of the authority or leadership.</p>
Ёндашув	<p>Муаммонинг ечимига бошланғич ва энг қулай позиция, тадқиқот (таҳлил)нинг бошланғич нуқтаси (методологик ёндашув.).</p>	<p>the original and most successful position for the "entry" into the problem, the starting position, the starting point of the study, the limitation concerns the study (methodological approach, etc.).</p>

ҲАДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

І.Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонун
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2911-сонли қарори,
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3137 сонли қарори,
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5229-сонли фармони,
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3489-сонли қарори,
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли қарори ва бошқалар.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сонли “Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 сентябрдаги «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3948-сон қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “ Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 351-сонли Қарори.

II. Асосий адабиётлар

1. Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.
2. Harry J. Rosenblatt. Systems Analysis and Design, 10th Edition. - ISBN-13: 9781285171340. - 2014. – P.760.
3. Каримова В. Зайнутдинова М. Назирова Э. Садикова Ш. Тизимли таҳлил асослари // Тошкент ахборот технологиялари университети, 2014.- 180б.

4. Саипова Д.Т. «Фармацевтик менежмент» фанидан ўқув-услугий кўрсатмалар тўплами. – Тошкент. – 2011. – Б.185.
5. Саипова Д.Т. Фармацевтический менеджмент // Курс лекций. – Т., 2015. – С. 232.

Ш.Қўшимча адабиётлар

1. Лебедев А.А. Рночная экономика: маркетинговые основы управления, организации и финансирование национальной системы охраны здоровья. Самарский дом печати-1996.
2. Ф.Котлер. Маркетинг менежмент: пер.с англ.под ред.Л.А.Волковой, Ю.Н.Каптуревского. - СПб.: Питер, 2003. – 752с.
3. М.Х.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоури. Основы менеджмента: пер.с англ. - М.: Дело, 2002. – 704 с.
4. Lawrence F.Wolper. Health care administration: principles, practices, structure and delivery. New York. 2nd ed. Aspen Publishers, Inc.1995. –706 p.
5. Robert J.Taylor, Susan B.Taylor. The AUPHA Manual of Health Services Management.Gaithersburg, Maryland. Aspen Publishers, Inc. 1994. – 652 p.;
6. Mary Louise Murray. Supervisory Management for Healthcare Organizations. US. 4th ed. Wm.C.Brown Publishers. 1991. – 421 p.

Интернет ресурлар:

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:
20. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
21. www.press-service.uz
22. www.scopus.com
23. <https://uzpharmagency.uz/>
24. <https://picscheme.org/>
25. <https://www.who.int/>